





*W. Loeyung*

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

**ИБРОЙИМ ЮСУПОВ**

**ЧЎЛ ТЎРҒАЙИ**

Шеърлар ва дoston

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ  
ВА САҢЪАТ НАШРИЕТИ

Тошкент — 1972

С(Қорақ)  
Ю91

Ю с у п о в И б р о й и м.  
Чўл тўрғайи. Шеърлар. Қорақалпоқчадан таржима  
Т., Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриё-  
ти, 1972.  
184 бет. Тиражи 8 000.

Ю с у п о в И. Степной жаворонок.

С(Қорақ).

Индекс 7-4-3

## «ЧУЛ ТУРГАЙИ»ГА ЯНГИ ПАРВОЗИ

«Чул тургайи» тўплами қорақалпоқнинг забардаст шоири Ибройим Юсуповнинг юраги яратган тиниқ, тўлқинли, замзамали чашма. Ундан баҳраманд бўлиш— гўзаллик, шеърят, юксак туйғулар бахш этадиган шодликка бўлган ташналикни қондиришдир.

«Чул тургайи» парвози ўзбек китобхонлари юрагига Қорақалпоғистон тупроғининг ҳароратли нафасини, ўзига хос чўнг табиатини, кичик халқнинг бахтиёрликдан уриб турган катта юрагини, унинг қўшиқларини олиб киради.

Ҳар бир адабий асар у ё бу ёзувчининг ўзи яшаган муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан, ҳуллас, ўзи мансуб бўлган халқ ҳаётидан бир лавҳадир. Теран туйғу ва кенг назарли шоир Ибройим ўз халқининг куйчися, бўғин-бўғини билан, борлигини тутган томиру асаб торлари билан ўз халқининг фарзанди — бинобарин, куйлари— қорақалпоқ овозидир.

Ўтмишда қирилиб, туғилиб, йиқалиб яна қаддини ростлаб азбаройи тупроғига, яшашга садоқати туфайли курашлардан омон чиққан халқнинг Октябрь туфайли топган бахтидан куйлайди шоир. Ҳақиқатан ҳам, қадимдан шу кунгача узоқ йўл босиб, кўра-кўра доно бўлган, кураша-кураша кучга тўлган, меҳнат қилиб бахтга эришган халқ ҳаётига, энди, Амударёни ҳатлаб ўтиб коммунизм келяпти.

Шоир Ватан ҳақида куйлайди. Ватан ҳақида тунунча бениҳоя кенгайиб, кўпларимиз кўрмаган тупроқнинг бизга таниш бўлмаган кенгликлари, яйловлари, дарё-ю денгизи чегараларидан ўтиб беш қиррали юлдуз порлаган ерларга ёйилиб кетади. Бугун Совет тупроғи унга Ватан. Бу Ватанга ишқин, бу Ватаннинг халқлари ўртасидаги дўстликни ўз она тили — саҳройи, дўриллаган, «шивирласа ғозлар ҳуркиб кетадиган», «ёлгонни билмайдиган тили»да куйлайди.

Ибройимнинг куйлари гўзал, ранг-баранг! Теран ўйлар, йирик муҳим ғоялар, ёлқинли, юксак, боқира туйғуларни халқнинг минг-минг йиллар мобайнида яратиб, сайқаллаб келган тилида ифодалайди. Табиат билан, яйлов, саҳролар, денгиз ва дарёлар, ғозу тургайлар билан тиллашадиган халқнинг тили бой бўлади, фикрлар ифодаси кўпинча образли бўлади. Ибройим-

нинг шеърлари ана шу халқ дилининг ҳаракатлари, шу халқ ҳаётининг ёрқин лавҳалари, яхлит парчаларидир. Улар халқ дилини, табиат тилини фарзандлик, гражданликнинг садоқатли туйғуси билан чуқур ҳис қилиб ифтихор билан ёзилган.


Давримиз катта ишлар, қаҳрамонликлар, катта орзу ва режалар даври, давримиз совет тупроғининг қабила-лар ҳам халқларга тенг ягона оиласида бахтли топган давр. Шу туфайли дўстлик жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири, шу туфайли дўстлик шоирларимизнинг бош қўшиғи бўлиб қолган.

Алломалар тоғларнинг юксаклигини, тупроқ кэърининг чуқурлигини, Аму сувини ўлчаб олишлари мумкин, лекин дўстлик туйғуларини, меҳру муҳаббатини ўлчаб ололмаслар, дейди шоир ва ўзи бу бениҳоя туйғунин юксак ҳароратда куйлайди, унинг қўшиқлари бизга ўзи кезиб чиққан Совет республикаларини, уларнинг халқларини «ёрқин кўзли, тилли» шеърларида яқин қилиб беради. Зеро, «шеъринг кўзсиз бўлса юрагинг сўқир!» дейди шоир. Ибройимнинг юраги эса сезгир, меҳрга тўла, ҳаёт берадиган илҳом ва қўшиқларга очиқ тоза юрак.

«Чўл тўрғайи» ўзбек китобхонига қардош қорақалпоқ халқининг оташин атоқли ёзувчиси қаламининг янги тортиғи. Бу китобда ҳам ўқувчига ланг счиб берилган шоир юраги! Биз унда халқ юрагини ўқиймиз, курашли ўтмишни ўқиймиз, шухратли Тўмарис момонинг тирик сиймосини ёнимизда ҳис қиламиз, бугунги бахтиёр халқ қўшиғига ёр бўламиз, бу қўшиқлар — ҳали сиз ўқияжак янги қўшиқлар.

Ўз халқ ардоғидаги, меҳридаги сеvimли шоир Ибройим Юсупов ўзбек халқи ва кўп миллатли Совет халқларининг ҳам аллақачон сеvimли куйчиси бўлиб қолган. Унинг шеърларини китобхон истаб, излаб, топиб ўқийди. «Чўл тўрғайи» ўша шеърятта, нафосатта, гўзалликка ташна юракларга тез кириб бориб, унда бузилмас уя қуриб, қўним топиб қоладиган китоб.

*ЗУЛФИЯ*



ШЕЪРЛАР





## КҰНГИЛ КҰНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Оҳулар сув ичар сойдан,  
Ғоз-ўрдак кўлдан сув ичар.  
Кўнгил-чи, сув ичар қайдан?  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўрдим оқ қуш ўйинларин,  
Майин эгмиш бўйинларин,  
Соғингандай ошиқ ёрни,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Отлар дупур-дупур, кишнаб,  
Йўртишар уюрин излаб,  
Қўзи маъраб, бўта бўзлаб,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дарёлар денгизга ошиқ:  
Ошиқар мавж уриб, тошиб,  
Йўллар йўлларга туташиб,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дўстлик, ҳурмат — улуғ давлат,  
Жон озиғи — яхши суҳбат,  
Чўлга — баҳор, гулга навбат,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўкка зеҳн солиб боқсанг,  
Юлдузлар сўйлашар оқшом,  
Узинг булоқ бўлиб оқсанг  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Юрак шодланиб юрсин-да,  
Дунёнинг қайси бурчида  
Яшамайлик, билинг, шунда—  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Олисдаги асқар тоғлар  
Бир-бирини кўрмак бўлар,  
Шу важданким, буюк улар!  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар...

Ҳушёр бўл, инсон боласи!  
Емондир кўнгил оласи!  
Одам одамнинг қуёши!  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

## ҚОРАҚАЛПОҚ

Мен талашиб фазлу камол  
Биров билан баслашмайман.  
Тарихчига очтириб фол  
Мозий учун баҳслашмайман.

Мард Тўмарис — массагетнинг,  
«Қирқ қиз»ларнинг урвоғиман.  
Фарзандиман печенегнинг,  
Сахро қорақалпоғиман.

Қора товои, қора фуқаро,  
Бобом ўжар киши бўлган.  
Кўнгли оқ, қалпоғи қора,  
Ев билан кўп иши бўлган.

Етганида отдан қулаб  
Қонли жангда у бечора,  
Ўгли шундоқ қолмиш сўраб:  
«Бир васият айт, начора».

Васият деб сўнги дам у  
Шундоқ демиш урвоғига.  
«Шир яланғоч қолсанг ҳамки  
Бек бўл, бола, қалпоғингга».

Қорақалпоқ шундан бошлаб  
Қалпоқ билан туғилибди.  
Замонларни ортга ташлаб,  
Қалпоқ ечмай югурибди.

Тортавериб даврдан ғам  
Оқармаган косаси асло.  
Кўп нарсасин йўқотса ҳам  
Йўқотмаган қалпоқ аммо.

Жон чиқмаса калла кетиб,  
Ев келса ҳам ечолмаган.  
Хону беклар қаҳрин тикиб  
Дов қилса ҳам ечолмаган.

Битта жойда қорақалпоқ  
Бу урфини қилган абас.  
Мавзолейга киргани чоқ  
Қўлга олган қалпоғин даст.

Чунки Ленин бу қалпоққа  
Катта ҳурмат этган эди.  
Утов тикиб, қорақалпоққа  
Толе бериб кетган эди.

## ТОЛЗОР СОҲИЛ ХОТИРАЛАРИ

*Акам Маден Юсулов хотирасига*

Кегайли бўйида ўсган ниҳоллар  
Кўҳлик, серсоя, навқирон бўлибсиз,  
Сизни енголмабди бўрон шамоллар.  
Оғир курашларда полвон бўлибсиз.

Уруш пайти толлар қаровсиз қолди,  
(Толлар тугул боғлар қаровсиз қолди),  
Сизларни қирқишиб кўприк солди,  
Қайта кўкарибсиз, нарвон бўлибсиз.

Қатта ўғлини йўқлаб кечалар онам,  
Соҳилда кипригин қучганида нам,  
Сиз ҳам бошингизни эгиб паришон,  
Унинг дардларидан бийрон бўлибсиз.

Отасин соғинган болалардайин  
Мўлтираб турдингиз боқсам ҳар доим,  
«Кел, сирлаш биз билан бугун Ибройим»,  
Деб ҳатто тушимда аён бўлибсиз.

Соянгиз эркалаб суйди юзимни,  
Илк бор ўқидингиз ёзган сўзимни,  
Шунда кимдир босди келиб кўзимни,  
Мен ҳайрон, сизлар ҳам ҳайрон бўлибсиз.

Едингизда борми, сирдошим — толлар,  
Қандоқ майин эди узукли қўллар?  
Розиман кўзимда тош қотса улар,  
Сиз мени авайлаб гирён бўлибсиз.

Кўзимдан қўлларин олганида қиз,  
Енимда ел каби елганида қиз,  
Менга ихлос билан кулганида қиз,  
Уни бир «беармон» жонон билибсиз.

Бироқ катта эди қизнинг армони,  
Учиб кетган эди олғир тарлони,  
Бўлганди бераҳм уруш қурбони,  
Сиз бекор гумонга қурбон бўлибсиз.

Яноғи қип-қизил олмадай пишиб,  
Билакдай сочлари белига тушиб,  
Ҳарир дуррачаси бошидан учиб,  
Турарди ёнимда ойдаи тўлган қиз.

Киприги қайрилма камондай эди,  
Хумой кўзи мени егиндай эди,  
«Акангдан хат йўқми» дегандай эди,  
Айрилиқ дардида зимдан ёнган қиз.

Сувчи — қўнғизчани тутиб олганди,  
Эркаланиб ёқам ичра солганди,  
«Қачон йигит бўласан?» деб кулганди,  
Эсимда сир бермай сабр қилган қиз.

Биз-ку йигит бўлдик охири. Бироқ —  
Қанча азаматлар, қўлида яроғ,  
Ватан эрки учун қучишди тупроқ,  
Қанча хотинлар тул, ёрсиз қолган қиз.

Ловиллаб турарди юракда ўкинч,  
Етим бўлиб қолди ҳазил ва севинч,  
Қўшиқ калтак еган танадай беҳуш,  
Бағри бутун бирор жон қолмаганмиз.

Аммо қуролдан ҳам кучлироқ, ўзга,  
Қувват бўлган эди қардошлик бизга,  
Шу қудрат етказди ғалабамизга,  
Кекли ёвдан кекимизни олганмиз.

Эй, дала ботири, бўйдор ниҳоллар.  
Ешлигим чодир — ям-яшил толлар,  
Сариқ саратонда қайноқ шамоллар  
Сизга бас келолмас айтсам ёлғонсиз.

Офтоб қизиганда қўзғолган шамол,  
Сизнинг соянгизда тинар бемажол,  
Чумчуқ, қурқулдоқлар кўнмаса агар,  
Сизсиз ҳолдан кетиб, қолар дармонсиз.

Иқбол шуъласида чарчамай сузган  
Бир авлоднинг руҳи яшайди сизда,  
Ёшлик куйин тинглаб шивирингизда  
Мен ҳам соянгизда турибман ёлғиз.

Узугин йўқотган қиздай бўлиб лол,  
Юриб ёнингизда сурдим кўп хаёл.  
Кечаги ниҳоллар бўлибди-ку тол,  
Ниҳоллар улғайган бўлса... Биз-чи, биз?..

Ўзгариб кетибди анҳор ўзани,  
Отқулоқ эслатар яшил уқани,  
Бир пайтлар шу ерда ғамлаб қўғани,  
Қўлларни қонатиб қанча ўрганмиз.

Янги чирой бериб эски овулга,  
Ғўзалар яшнайдн кечаги чўлда,  
Учар машиналар тасмадай йўлда,  
Бир ёни узумзор, бир ёни полиз.

Полизни оралаб борардим шахдам,  
Ғўлни кесиб чиқди бир бола шу дам:  
«Қовун еб кетинг, деб чақирар опам»—  
Опангни танидим, иним, гумонсиз.

Киприги қайрилма камондай эди,  
Хумой кўзи мени егиндай эди,  
Ўғли эмас, ўзи келгандай эди  
Сир бермай бўйнимга қўнғиз солган қиз.

Аввалгидай менга термилиб қараб,  
Энди у қийнамас ақамни сўраб,  
Бутун умри ўтар урушни қарғаб,  
Биринчи севгиси ғорат бўлган қиз.

Хуш қолинг, толларим! Мен энди борай,  
Чайлада ўтириб бир қовун ёрай,  
Сўнгра дуторимни қўлимга олай,  
«Толзор соҳилим» деб куйлай армонсиз.



## АЙТ СЕН АЖИНИЁЗНИНГ ҚУШИҚЛАРИДАН

Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан,  
Ғигласин ёр ишқи бағрин тешганлар,  
Бўзласин юртидан айри тушганлар,  
Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.

Созин сабо ёдлаб, сўзини ел билган  
Бир шоир дунёга келди-ю кетди.  
Мажнун тол ортидан ойга термилган  
Бир дилбар тушимга кирди-ю кетди.

Қўшиқ дарё-дарё нур бўлиб оқсин,  
Севгисиз қалбларга ишқ ўтин ёқсин,  
Қиз йигитга жилва-ноз билан боқсин,  
Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.

Айт сен «Бўз атов»ни нағмага солиб,  
Дили ёнмаганининг бағри тош бўлсин.  
Қорақалпоқнинг кўҳна дарди қўзғолиб,  
Бу кунга боққани сари маст бўлсин.

Шоир кезган чўлда бўстонлар қатор,  
Бекор бўлиб кетди замон нобакор.  
Бир илҳом парисин кўрдим ишвакор,  
Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.

Мен уни тингласам — қолмай тоқатим,  
Қўнглимда сайрагай мастона булбул.  
Мен уни тингласам — туққан элатим  
Ер жаннати бўлиб кўрингай буткул.

Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,  
Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг,  
Агар мен ўлганда тирилтмоқ бўлсанг,  
Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.

Сайр айлаб мен саҳар чоғда,  
Ташриф этдим ажиб боққа.  
Бурканиб хилват япроққа  
Булбул билан сир сирлашдим,  
Шамол билан шивирлашдим.

Булбул айтар:—Ушал маъво  
Азал бошдан этган шайдо.  
Шу боисдан тинмай асло  
Сайрай-сайрай эсим кетар,  
Ҳавас ортар ундан баттар.

Шамол айтар:—Саҳро ошиб  
Келган чоғим гувлаб, шошиб.  
Нозли чаман бағрин очиб  
Тинчлантириб олар жоним,  
Савр бўлар қув бўроним.

Гул юзида шабнам ёнар,  
Олмазорлар хуш солланар.  
«Уз мевамни» деб ёлборар,  
«Синиб кетмай туриб белим,  
Уз мевамни,— дейди,— меним».

Сўрисини эгган узум  
Шарбат-ла маст айлар ўзин.  
Қаролилар қора кўзин —  
Сузганда ул қизил анор  
Ишқ ўтида куйиб ёнар.

Сув бўйида мажнунтоллар  
Сочин ёзар ҳам солланар.  
Бир ширин ўйларга толар.  
Лайли тушгандай эсига  
Термилар ой шуъласига.

Навоийнинг авлодлари,  
Қўлларида тилла тори,  
Қизгин мушоиралари.  
Янги ғазал, янги мақом,  
Бу мажлисга кирдим мен ҳам.

Шундайин бу ажиб бир боғ,  
Тавсиф этиб тўймам бироқ.  
Фарзандим деб очар қучоқ.  
Ўзга эмас, ўз жонимсан,  
Гўзал Ўзбекистонимсан.

Гуллаб ётар Тошкентимиз,  
Шарқдаги зўр дарбаитимиз.  
Йўллар туташган кентимиз.  
Эски ҳамда янги шарқдан  
Йўловчилар тинмай оққан.

Озодлик деб оҳ урганлар,  
Ҳақиқатни қидирганлар.  
Диёнатга юз бурганлар  
Ҳажга эмас, келар бу ён,  
Бахт йўлларин кўрар аён.

Яхши ишдир жаҳон кезмоқ,  
Кўзинг билан кўриб, сезмоқ.  
Меҳмон учун фидо ўзбек,  
Меҳмон кутиш ҳунардир бул,  
Мисли гулдай яшнар кўнгил.

Сафар чиққан, эй биродар,  
Йўл билмас деб олма хатар.  
Юртин севган ўзбекдан гар  
Қамроқ билсам бу ўлкани,  
Қорақалпоқ дема мани.

Келгин меҳмон тоғлар ёққа,  
Тушайлик кийик сўқмоққа.  
Мисли хирмонланган пахта  
Тоғлар очиб оппоқ тўшин  
Олар куннинг ақл-ҳушин.

Шу тоғларнинг қабоғида,  
Шоҳимардоннинг боғида,  
Қурбон бўлиб тонг чоғида,  
Ётибди бир шунқор, жўмард,  
Инқилобни куйлаган мард.

Унутилмас шонли йиллар,  
Кенг ёзиққа тушди йўллар.  
Оғир кетмон тутган қўллар  
Бошқарар «кўк корабл»ни,  
Юр, орала бизнинг элни.

Утсанг Китоб, Олтин кўлдан,  
Андижон ё Мирзақўлдан,  
Пахта байрамига келган  
Мисли «Баҳор» ансамбли—  
Қулф урар «оқ олтин» гули.

Олтин тупроқ Фарғонадан  
Қайтиб чиқмас борган одам.  
Ҳар туп пахта, ҳар хонадан  
Унар элнинг ризқи рўзи,  
Пахтакор халқ — жўмард ўзи.

Озод одам шод, фаровон,  
Бекободда шахта-ю кон.  
Нур сочади ГЭС чароғон  
Дарёларнинг буриб изин  
Фарҳод топар ўз Ширинин.

Билгир химик бу маъводан,  
Чирчиқ донги чўнг дунёдан.  
Газ таралиб Бухородан,  
Қувурларда гувлаб лов-лов,  
Уралгача етди олов.

Гурас-гурас карвон, кучлар,  
Қатта йўллар; қайноқ ишлар,  
Вагон вагонларни тишлар,  
Узоқ йўллар бўлиб қисқа,  
Турли ёққа «Ту»лар учган.

Тошкент тонги нурга тўлар,  
Озод меҳнат тонги булар.  
Оқар тошқин колонналар.  
«Ташсельмаш»нинг сменаси  
Келар дадил қадам босиб.

Шўнғиб хиёбон япроққа,  
Ешлар борар ТошДУ ёққа.  
Билим гуллаган бу боғда  
Улуғбекнинг армонин шод  
Бунёд этар бу ёш авлод.

Куй тинглай деб келсанг излаб,  
Фрак кийган сатанг ўзбак  
Жўшиб, оркестрни кўзлаб  
Хипчинини силтаб қотар,  
Бетховенни жаранглатар.

Кўриб озодлик дунёсин,  
Гарбининг кибор лорд—мирзоси  
Ичга тушиб сас-сазоси  
«Тавба» дейди қойил қолиб,  
Ичи куйиб, ўйга толиб.

Эрк қуёши очгандир юз,  
Бахтимизни қилиб кўз-кўз.  
Ичи куйган яласин туз.  
Урмимиздир боғу бўстон.  
Соғ бўл, онам Ўзбекистон!

## НАВОИЯГА

Сен армонсан чўлга битган боғ бўлиб,  
Сояли, мевали бир дарахт бўлиб,  
Замонлар довули чайқаган сайин  
Жамолинг кулф урган зарвароқ бўлиб.  
Етти иқлим гузариди бир гумбаз  
Даврлар офатидан йироқ бўлиб —  
Ул турар. Утар такаббур подшолар  
Дунёга яхши-ёмон қўноқ бўлиб.  
Гўзаллик иқлимини этдинг нурафшон,  
Зулматда порлаган шамчиноқ бўлиб.  
Авлодлар ҳурматинг бажо келтирур,  
Сени эслаб юрар вақтичов бўлиб.  
Сахро гулларини сочай пойингга,  
Навойни суйган қорақалпоқ бўлиб.  
Ибройим дер: улуғ руҳинг олдида  
Бош эгаини шогирдинг Бердақ бўлиб.

19 сентябрь, 1968. Тошкент.



Сен энг аввал чайқалгансан толлар шохида,  
Мен ўрмалаб чиқиб унинг болин сўрганман.  
Тол пўстидан сурнай ясаб чалган чоғимда  
Содда сасда юрагимни очиб бергансан.

«Сенинг битта бутоғингман, яшолмам сенсиз»,  
Сув бўйида сурнай нола қиларкан шу чоқ—  
«Дуруст» деди чирқ-чирқ қилиб беғараз, кинсиз  
Фарзандига уя қуриб турган қурқулдоқ.

«Худоми ё қурқулдоқми, ким моҳир экан?»  
Деди онам қушча қурган уяга келиб.  
Шунда сени таниганман илк бора, Ватан,  
Ўз онамнинг меҳр тўла юзида кўриб.

Шундан кейин шудринг тушган тонгда йўлимда  
Йўнғичқазор ичра сариқ гул бўлиб битдинг.  
Ўзиб олиб поясини солиб оғзимга  
«Қўй бўлмагин, қўчқор бўл» деб шивирлаб кетдим.

Қўзи бўлиб чопдинг шунда дикир-дикирлаб,  
Аллақайда сайраб кетди беданалар ҳам.  
Оппоқ мактаб бўлиб шунда турдинг мўралаб,  
Ҳақирди мис қўнғироғинг жиринглаб ҳардам.

Сен Кегайли бўлиб оқдинг олдимда бирдай,  
Бодроқ-бодроқ пахталарда мен сени кўрдим.  
Сирли орзу оғушида ҳоришни билмай  
Қоқ туш пайти қирғий овлаб далада юрдим.

Кўрдим сени хумой кўзли қўшни қизининг  
Юзидаги жонга ором кулдиргичида.  
(О, у гўзал фахри эди овуличизнинг  
Соғинаман ҳамон уни кўрсам гушимда).

Баъзан дардли қўшиқ бўлиб олис-олисдан  
Пода билан овулимиз ортидан қайтдинг.  
Баъзан гулхан атрофида қовун полизда  
Қўриқчи чол бўлиб оқшом эртаklar айтдинг.

Мен қандайин суратларда кўрмадим сени!  
Турналардай кузда учдинг кўкда тизилиб.  
Гоҳ қирғовул бўлиб қанча чақирдинг мени,  
Гоҳ чақирдинг яйловларда йилқичи бўлиб.

Кечқурунлар пахса девор устидан қараб,  
Кўрар эдим кўл бўйида гулхан-ўтларни.  
Кўпни кўрган олис йўллар сочини тараб,  
Ваъда қилар эди қизиқ саёҳатларни...

Сени қандай суратларда кўрган бўлсам-да,  
Ишон, Ватан, улуғлигинг унутганим йўқ.  
Қиндик қоним томган ерни қанча севсам-да,  
Муҳаббатим ёлғиз унга бахш этганим йўқ.

Қизил майдон юлдузлари биз гўдак чоқда—  
Алифбенинг суратидан кўнглимга кўчган.  
Ленин билан Пушкин ўсган улуғ тупроққа  
Кўкрагимда кўк эмандай ифтихор ўсган.

Россиясиз қилолмайман сени тасаввур,  
Бош ҳарфсиз хаёлимга келтиролмайман.  
Илҳомимнинг космодроми, бахтим қуёши,  
Кўп диёрли, кўп денгизли, кўп тилли Ватан!

Мен Кавказда ё Тайгада адашганда ҳам,  
Буғубоқар ярангида бўлсам-да меҳмон,  
Ватандошлик тушунчаси қўллайди ҳардам,  
Ёлғизлатиб, бегона деб боқмас ҳеч инсон.

Сенга бўлган ҳисларимнинг минтақалари  
Беш океанга туташтирар қалбимни менинг.  
Олти шиор, беш юлдузинг барча халқларни.  
Умидларин соҳилингга чорлайди сенинг.

Қиндик қоним томган сенинг бир бурчагингни  
«Ўз ерим» деб бўлиб олиб севмоқ менга ёт.  
Улуғлик ва кенглигингни, бирлик, кучингни—  
Юрагига солган одам у чин азамат.

Юлдузларга ракеталар карвонин бошлаб,  
Учиб кетмоқ бахти агар буюрса менга,  
Ҳайқирардим, назаримни бир сенга ташлаб,  
«Ватан, сенинг ёш новдангман, ҳаётим сенда».

## ЧЎГИРМА

*Аббос шоиреа*

Турмушимиз янги бўлган сўнг энди,  
Кийимлар ҳам кўчган янгича турга...  
Айтсам сен ҳақингда эшитганимни,  
Боболарнинг бош кийими чўғирма.

Бир отинг теллақдир, бир отинг қураш,  
Қадим замонлардан машҳурлигинг рост.  
Қанча бошлар билан сен бўлиб сирдош,  
Қанча довларни ошдинг чўғирма.

Аввал пайдо бўлдинг кимнинг бошинда,  
Орол бўйи ё Днепр қошинда?  
Ун асрли Русь солномасинда  
Қувондим номингни ўқиб, чўғирма.

Бобом паноҳ излаб Россиядан,  
Петербург шаҳрига кирган туяда  
Ҳурмат кўриб Москов, Макариядан  
Оламини кўргандинг кезиб, чўғирма.

Амал учун Ойдўст орин сотганда,  
Бегиш, Миржиқ қони сенда қотганми?  
Эрназарни ёв орқадан отганда,  
Сен қонга бўялиб ётдинг, чўғирма.

Араби, шерози бойда бўларди,  
Сени кийиб улар тўйга борарди,  
Бурни кўкда, кўнгли ойда бўларди,  
Даври кўп мураккаб бўлган, чўғирма.

Кунинг борми ёзда куя тушмаган,  
Урда турсанг ёнингдан ел эсмаган.  
Ўтдинг жанжал, сурон дириллаш билан,  
Бошига кўп гавго тушган чўғирма.

Олдиндан қарасам — оғиб тургандай,  
Ёнингдан қарасам — говуқ тургандай,  
Томга қўниб курка товуқ тургандай,  
Шамол эсса ҳурпаясан, чўғирма.

Сени кийиб биров кирса гар уйга,  
Тор эшикдан сиғмай, солдинг не кўйга,  
Бутун тери увол бўлмасин дея  
Бобом шўрлик бўлмай тиккан чўғирма.

Янги замон келди қизил туғ олиб,  
Меҳнаткашга бахт, ер ва сув олиб,  
«Яшасин Ленин!» деб шунда қувониб,  
Халқим кўкка отди сени чўғирма.

Октябрь кулдирди, шод қилди бизни,  
Қутқарди эзилган қул ўғил-қизни,  
Манглайингга тақиб қизил юлдузни,  
Халқим зўр курашга кирди, чўғирма.

Бойлар қочди телпаклари дириллаб,  
Қизил кучга дош беролмай зириллаб,  
Сен ҳайбатли тегирмондай гуриллаб,  
Синфий душманингни қувдинг, чўғирма.

Эркин қанот қоқди озодлик қуши,  
Ариди умрнинг қаҳрли қиши.  
«Замонага қараб яшайди киши,  
Янгича яшангиз», дедимг чўғирма.

Гадолик қисмати кўп тушиб бошга,  
Силаб, боқолмадим бир сумбул сочга,  
Деб «Ешликда nasib бўлмадинг асло»,  
Аббос шоир армон қилган чўғирма.

Халқим кўп қирилган, хўрланган, ўлган!  
Ҳозир ҳатто миллионта ҳам келмайди.  
Лекин қорақалпоқнинг Ленинга бўлган  
Муҳаббатини ҳеч ўлчаб бўлмайди.

Қайтиб ўлчаш мумкин:  
Яйдоқ далангда  
Қайта ёшарувин сўлган дарахтнинг?  
Меҳнат — азоб эмас, роҳат одамга—  
Олиб келса,  
Ундан топилса бахтинг?!

Хон айтди: сен қулсан, менга ҳамёнсан,  
«Халқман» деб айтмоққа сен ҳаддингга боқ.  
Ленин айтди: озод халқсан, дархонсан,  
Яйраб, шодли даврон сур, қорақалпоқ.

Халқим кўп хўрланган, қирилган, ўлган!  
Энди уни ҳеч ким хўрлай олмайди.  
Шунинг-чун ҳам бизнинг Ленинга бўлган  
Муҳаббатимизни ўлчаб бўлмайди.

Балки керак бўлса Амударёнинг  
Сувин ўлчаб, миқдорин илм чамалар.  
Бироқ қақроқ чўлда чанқоқ одамнинг  
Сув ичиб қонуви қайтиб ўлчанар?

Қандай ўлчанади: асрлик нолиш,  
Бердақ қўшиғининг умид, армони;  
Бой қувилиб, ерсиз гадой ер олиб,  
Ленин!— деб, қувончдан йиғлаб тургани?

Йирик ёки майда бўлар юлдузлар,  
Бирикиб, галактика тузади кўкда.  
Оз халқман, бироқ  
Улуғлигим бор—  
Улуғ оиланинг фахри юракда.

Ўлчанар кун нури, мартенлар чўғи,  
Энг узоқ юлдузлар оралиғи ҳам;  
Ерга куч, нур берган ГЭСларнинг токи,  
Юрак уруви, қон таралуви ҳам...

Бироқ муҳаббат бор ҳеч ўлчанмаган,  
Илитар ер, юлдуз, ҳаттоки ойни.  
Халқларнинг ихлосин Ленинга бўлган  
Ўлчаб бўлмайди,  
Ўлчаб бўлмайди.



Селу дўлдан асраб ўз палапонин,  
 Каклик қуш ўлибди чиқмай уядан...  
 Мен — сенинг шодлигинг, давринг, давронинг,  
 Рўёб бўлган армонингман, онажон.

Яралгансан мени яратиш учун,  
 Дунёга боқийлик таратиш учун,  
 Мени деб бедор тонг оттириш учун  
 Дунёга келгансан ўзинг, онажон.

Оқ сутингни қориштириб қонингга,  
 Энтикиб кўтардинг кафтинг, жонингда.  
 Оқшом бешигимни қўйиб ёнингда,  
 Тунлар уйқунг тўрт бўлгансан, онажон.

Баъзилар бор: «Онам, сен тенг кунга» дер,  
 «Сув сўрасанг бол берайин сенга» дер.  
 Бу шунчаки гапдир англасанг агар,  
 Қарзингни ҳеч узиб бўлмас, онажон.

Мен кетсам умринг қувиб қизинг,  
 Сен кутарсан йўқолгандай узунинг.  
 Қипринг учида ўйнаб узун тун,  
 Уйқинг ўғирловчи мендур, онажон.

Баъзан ўйлаб фақат хотин, боламин,  
Совга пайти унутарман онамни.  
Бошқалар кечирмас бундай гуноҳни,  
Фақат сен кечувчи барин, онажон.

Сен дарахт, мен меванг — ишончинг, кучинг,  
Менсиз парвоз этмас ҳеч кўнгил қушинг,  
Ҳар бир ганиматли нафасим учун,  
Мангу миннатдорман сендан, онажон.

## НОРАСТА

1

Нораста, бу — одамнинг энг улкани,  
Ким бўлсанг-да, бола эдинг бир пайтлар.  
Онанг шундай қилиб тулмаган сани,  
Кексалар ҳам бола эдик деб айтар.

Нораста — умрнинг юраги, дами,  
Олтин тонг у, булут солмаган соя.  
Нораста — одамнинг тўнгич қадами,  
Сўнгги қадам учун илк зинапоя.

Улуғ келажак-чун ишга, курашга  
Тили чиқмаса-да у ўргатади.  
У покдир, эгадир қудратли кучга,  
Дунёга қуролсиз ҳукм этади.

Жон беглай олмаган ёвуз Чингизни  
Қулдирган муртидан тортқилаб, ўйнаб.  
«Қапитал» ёзаётган доно Марксни  
У «от» қилиб минган стулга бойлаб...<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> К. Марксни фарзандлари «от қилиб миниб» ўйнаганлик-лари ҳақида унинг қизм ўз хотираларида ёзгани маълум. (Ред.)

Талпинган ёш норастага қарасам,  
 Умрга мен қиздай ошиқ бўламан.  
 «Уша одамларнинг бари чиндан ҳам  
 Бола бўлганми?» деб ўйлаб қоламан.

Йўқ, йўқ, бари эмас! Фақат яхшилар—  
 Оқ кўнгил одамлар бола бўлгандир  
 Қалби қора, ёвузлар-чи? Йўқ, улар  
 «Бола эдик» деган сўзи ёлғондир.

Агар улар чиндан бола бўлганда,  
 Юрарди Сонгмида болалар ўлмай'.  
 Минг-минг бола ботинкалари унда  
 Освенцимда ётмас эди кийилмай...

8 февраль, 1970 йил

---

<sup>1</sup> Сонгми — америкалик империалустлар қийратган Вьетнам овули.

## ОРДЕНЛИ ХАЛҚИМГА

Шам эднинг хастаси сийган,  
Дутор эднинг дастаси сийган,  
Бугун торнинг олтин сийдан,  
Қайтадан туғилган халқим.

*Аббос шоир.*

Қоратоғнинг жилғасидай,  
Қалбинг қонли яра эди.  
Бошингдаги қурашингдай  
Иқболинг ҳам қора эди.

Хон топтади кўнгил куйинг,  
Тўнаб еди бўлис, бийинг,  
Илма-тешик қора уйинг,  
Бўронли кун пананг эди.

Эдил, Ёйиқдан сув ичмоқ,  
Туркистондан тўзиб қочмоқ,  
Юк орқалаб доим кўчмоқ,  
Бошга тушган балонг эди.

Аму бўйи экин еринг,  
Гар томмаса манглай теринг,  
Мисли қотиб қолган чарм,  
Қақраб ётган даланг эди.

Жавдираган ёшлигингда  
Чанқаб юрлинг тошли қумда.  
Орол денгиз очлигингда  
Асрагувчи онанг эди.

Ғам-ғуссага тўлса дилинг,  
Бердақ бўлди бийрон тилинг,  
Кўчиб йўлга чиқса элинг,  
Яйдоқ эшак халанг эди.

«Озодлик» бўп оҳу зоринг,  
Қайнаб газаб, номус-оринг,  
Олакўзли Эрназаринг<sup>1</sup>  
Сен деб ўлган боланг эди.

Сиртмоқ солиб қил бўғови,  
Бир боқмади иқбол ови,  
Ажиниёзнинг «Бўз атови»<sup>2</sup>  
Энг кўп айтар наъманг эди.

Ўзбек, туркман ва қозоғим,  
Бирга чекиб хон азобин,  
Яқин этган йўл узоғин  
Қариндош, ҳамхонанг эди.

Нур доритиб манглайингга,  
Сув томизиб танглайингга,  
Шуъласин сочган пойингга,  
Улуғ Ленин дононг эди.

\* \* \*

Қайрилиб кет, эсган шамол,  
Бугун менга керагинг бор.  
Бахтли умр мадҳиясин  
Куйлай деган тилагим бор.

---

<sup>1</sup> Эрназар Олакўз — қорақалпоқларнинг ўтган асрдаги миллий қаҳрамони. (Ред.)

<sup>2</sup> «Бўз атов» — Ажиниёз шоирнинг халқ орасида энг кўп тарқалган қўшиғи. (Ред.)

Устюрт узра туғилдингми,  
Кийик билан югурдингми,  
Оролимда ювилдингми?  
Тозаликдан дарагинг бор.

Қўғалардан дакки ебсан,  
Қамишларга қоқилибсан,  
Бу соҳилда туғилибсан,  
Демак даврон сураринг бор.

Бедовдек сиртмоқдан қочган,  
Ўмровидан кўпик сочган,  
Амударё тўлиб-тошган  
Тўлқин ёлли тулпорим бор.

Тўрт турли мол ўглаб юрган,  
Кўк майсага тўкис ерда,  
Ҳар толаси кўзга сурма  
Пахта деган гурурим бор.

Қуш қаноти куйган чўлни,  
Ҳатлаб пўлат йўллар келди,  
Меҳнатсевар сендай элни,  
Куйламоқдан сурурим бор.

Чўлда янги боғлар кўрдим,  
Бўстонларда яйраб юрдим.  
Фунчалардан савол сўрдим:  
Яна қандай тилагинг бор?

Дўст элларга туташ жонинг,  
Меҳнат билан урар қонинг,  
Неъмат тўла дастурхонинг  
Мўл насиба — хўрагинг бор.

Бахтинг булоқ бўлиб оққан,  
Давлат қушинг қанот қоққан,  
Кўкрагингга орден таққан  
Компартия тирагинг бор.

Соғ бўл, халқим! Сен деганда,  
Бир куч пайдо бўлар менда,  
Қим хиёнат қилса сенга  
Шимарилган билагим бор.

Ибройим дер: «Жоним қурбон,  
Яша дўстлик, дориломон.  
Сенинг учун уриб турган  
Гавдамда бир юрагим бор.



## ҚАДРДОН СЎҚМОҚЛАР

Ҳар кимнинг тугилган ери —  
Миср шаҳри.

(Мақол.)

Қизил кендир билан шивирлашар тол,  
Турна учиб борар олис ёқларга.  
Талай йўллар босиб мисоли шамол  
Яна қайтиб келдим бу сўқмоқларга.

Ушбу тор сўқмоққа қадам қўйганда  
Қайтадан мен бола бўлиб кетаман.  
Интиққан юрагим кенгайиб шунда  
Чамамда, қуш бўлиб парвоз этаман.

Мош пайкалда гала чумчуқ чуғурлар,  
Шеър ўқишиб турган ёш шоирлардай.  
Бурилишда таниш қўшиғин куйлаб,  
Қўшни қиз олдимдан чиқиб қолардай.

Бироқ у бунда йўқ, у йироқларда...  
Бизнинг жойлар ўрни ҳозир пахтазор.  
Нечоғлик монандсиз бизнинг ёқлар-да,  
Деб доим мақтайман, сўрашса агар.

Гул териб, капалак қувган шўх вақтим,  
Анов бедазорда юрган той дерсан.  
Ё таeba, шу битта қийшиқ сўқмоқнинг  
Дилга яқинлигин қандай айтарсан!

\* \* \*

Чолга салом берсам ўша сўқмоқда:  
«Қимсан?» деб танимай менга қаради.  
Бир бола учради сал нарироқда:  
Қимнинг ўглисан?— деб мен ҳам сўрадим.

\* \* \*

— Ота, нарвои бўпти анов қўш терак!  
— Болам, терак эмас, бу умр-ку, бу!  
— Иним, боққа нега боғладинг эшак?  
— Э, анов чирий деб қолган олма-ку!

Томиримизда қариндошлик,  
қонимиз бор қотишган,  
Ота-бобо бир нон топса,  
бирга бўлиб тотишган.  
Халқимиз бор: бир дарёнинг  
икки бўйида туриб  
«Ассалому алайкум!» деб,  
носвой сўраб отишган...

Машиналар йўлга чиқади,  
Дарё бўлиб гувлаб оқади,  
Сўнг қуюндай ўрлаб чопади,  
Ортада қолар саман йўрғалар,  
Эшаклилар, от-аравалар.

Машиналар зувлаган маҳал  
Йўл таноби тортилар дангал.  
— Чўғирмани босиб кийинг сал,  
Тўйтепани кўрган оқсоқол!  
Ҳа, учириб кетади шамол...

— Шошсанг майли, кетавер, ўғлим,  
Юрт меники, йўл ҳам— ўз йўлим,  
Бу машинанг оғритар белим,—  
Деб қоқади чол носқовоғин,  
Елғондакам уюб қовоғин.

— Жон ҳузурин чоллар билади,  
Майлингиз...— деб шофёр кулади,  
Гуриллатиб газни беради  
Юк машина аста қўзғалар,  
«Соғ бўл, ота» деган сўз қолар.

Чол кечки ел эсганда гир-гир  
 Автобусга ўлтирар охир,  
 Хаёлидан ўтади бир-бир  
 Икки ҳаёт ва икки тузум...  
 Бу йўлларнинг тарихи узун.

Бу йўлларнинг дардин сўрама,  
 Нукус-Чимбой икки орада—  
 Эшак боғлаб йўлда бутага,  
 Тўрт тушланиб, уч бор қўнарди,  
 Етар эдинг Нукусга зўрга,  
 Қўк эшагинг экан-да, йўрга.

Бир овулнинг марди эди у,  
 Бу йўлларда кўп чекиб қайғу,  
 Қилиб янги ҳаётни орзу,  
 Кураш йўлин кўзлаб келганди,  
 Шайдаковни излаб келганди.

Қўлга милтиқ олгани чоғда  
 Қизил юлдуз ёнди папоғда,  
 Ёвларини қолдириб доғда,  
 Кеча-кундуз курашди шоввоз,  
 Шу йўл узра айлади парвоз.

Мана бекат. Уша Тазғара.  
 Ҳув мозорга яхшироқ қара!  
 Чол кўзида ёш қатра-қатра,  
 Тош ҳайкалга суяниб бунда,  
 Дўстларини эслади шунда.

Бу йўлларнинг дарди бир жаҳон,  
 Иқбол жанги эди беомон,  
 Бўлди қаңча йигитлар қурбон,

Бу йўлларда улар қони бор,  
Хотираси ҳамда шони бор.

Йиллар қолди охири изда,  
Ойдин йўллар очилди бизга,  
Машиналар зувлаган кезде  
Дард чекмагин, отахон, сира,  
Ортга эмас, олдинга қара!

### 3

Машиналар йўлга чиқади,  
Сароб жимир-жимир оқади,  
Пахтазорлар кулиб боқади,  
Қўк тераклар турар сафба-саф,  
Салом берар чорбоғлар яшнаб.

Сўфи тўрғай—чўл созандаси,  
Жуда ширин бўлар хандаси,  
Аммо бизга етмасди саси,  
Машинамиз, елларни қучиб,  
Асфальт узра борарди учиб.

Гўёки куч синовчи ботир,  
Қўкрак кериб кўприклар ётур,  
Айлана қир яшил театр,  
Янги лавҳа бўлар намоён,  
Қанал тўла сув урар жавлон.

Жимирлайди ГРЭС симлари  
Кумуш рубоб тори сингари,  
Симёгочлар югурар нари.  
Санай десанг кўзларинг толар,  
Сув бўйида ўйнар болалар.

Икки гужум турар бир четда,  
Чўғирмаси бошида катта  
Икки кекса бир маслаҳатга  
Утиргандай туришар улар,  
Соясида катта ҳовли бор.

Ғилдираклар, худди ясовул,  
Югуради қўзгатиб довул,  
Овулларга уланар овул,  
Шаҳар ўтса, шаҳар кўринар,  
Тутун тарар улкан мўрилар.

Тахтақўпир, Чимбой, Халқобод,  
Мошин юрар икки соат,  
Шунга ҳам қилолмай тоқат,  
Йўловчилар бўлар норози.  
Чидамсизов ёшларнинг ўзи!

Еллар йиглаб орқада қолар,  
«Ғат-ғут» қилиб борар «Волга»лар,  
Ўзини сал чеккага олар.  
Индамасдан юк машинамиз,  
Ҳамманинг ҳам иши кўп тигиз...

#### 4

Юк машина — содда ва букур,  
Катта йўллар ветеранидир,  
Қифтидаги элнинг молидир,  
Ўтиб борар гувиллаб карвон,  
Уни кутар қурилиш, дўкон...

#### 5

Тун пардасин ерга ёпади,  
Машиналар чироқ ёқади,

Гўё ерда юлдуз оқади.  
Бир-бирига қилганча ханда,  
Бири ёнар бири сўнганда.

Шоферларга ҳавасим келар:  
Чироқлари имлашиб елар,  
Чироқ тилин чироқлар билар,  
У чироқлар менга «Эй йигит,  
Шофер бўл» деб қиларди ўнгит?

Бири қолса йўл узра ҳориб,  
Иккинчиси ёнига бориб,  
Тузатиб ё шатакка олиб,  
Дўст жонига жонини улар,  
Асил дўстлик йўлда туғилар.

6

Машиналар йўлга чиқади,  
Умр ҳам йўл каби оқади,  
Кечикканлар йўлдан қолади,  
Ҳей йўловчи, доим ҳушёр бўл,  
Ландовурни кутиб турмас йўл.

Қанча армон, қанча орзулар,  
Қанча севги, қанча туйғулар.  
Шу йўл узра ел бўлиб ғувлар,  
Ким йўл тўсиб ғов бўлса унга,  
Охир ўзи қолар кулгуга.

Оқинглар, ҳей, жўшиб оқинглар,  
Асфальтдаги дадил одимлар!  
Республикам, сўлмас боғинг бор.  
Ҳатлаб ўтиб Амударёни  
Келар коммунизм даврони.

1962 а.



Юрган дарё, дерлар, ўлтирган — бўйра,  
 Чаққон оёқларни йўллар ҳам суйган.  
 Кексалар ўй сурса не келмас ўйга,  
 Девор қисиб келар чиқмасанг уйдан.

Ётганга не ҳам дер тўшак ва ёстиқ,  
 Эрта қаримоқлик — умрга қасдлик,  
 Бахтиёр кексалик — иккинчи ёшлик,  
 Худди кун ботарда отган тонг дейман.

Булбул ўз боласин олиб ёнига,  
 Сайрашни ўргатар палапонига.  
 Қолмай деб ёшларнинг ортида чапда,  
 Кеча-кундуз қалам тебратсанг дейман.

Ҳайронман мен баъзи шоир — дўстларга,  
 Чарчадим дер чиқмай тоғи Асқарга,  
 Онасидан қариб тугилган ёшларга  
 Яшариш йўлини айтарсан, дейман.

Кўзойнакни суймас нуроний кўзинг,  
 Кўнгилга завқ берар ҳар айтган сўзинг,  
 Пахтада — Шомурод, шеърда — ўзинг<sup>1</sup>  
 Элниг карвонини ортарсан, дейман.

<sup>1</sup> Шомурод Мусоев — отахон пахтакор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Олтмишдан ошгансан катта кетилса,  
Ешлар қанотингга кириб етилса,  
Қоммунизм учун талаб этилса,  
Космосга ҳам бориб — қайтарсан, дейман.

Эл берган курси ҳам гўё тахт, дерлар,  
Эл суйганнинг насияси нақд, дерлар,  
Кексалар сиз каби яшарсак дерлар,  
Мен-чи, сизга ўхшаб қартайсам, дейман.

1963 й.

## ЧИНОРНИНГ ШОХИ СИНСА..

Чинорнинг шохи синса,  
ёши тўкилар дув-дув,  
Тонггача топмай қувонч,  
инграб чиқар беуйқу.  
Атрофини ўраган  
барглар тинчин йўқотиб,  
Парвона бўлиб унга,  
бирга чекишар қайғу..  
Мен — одам! Қалбим — битта,  
аммо мингта жоним бор,  
Қалбимдан юракларга  
оқиб турган қоним бор.  
Оқ қонли, қора қонли  
менинг қондошим бўлур,  
Улар билан тенг бўлиб  
баҳам кўрган поним бор.  
Эртанги бахт туғилар  
бугун қилган ишимдан,  
Ҳаёт учун олдим мен  
нурни атом ичидан.  
Кеча фазога учган  
рўё эмас, ижодим,  
Ой тупрогин Ер учун  
олиб қайтган кишиман.  
Киши ёлғиз қолганда

дунё унга тор бўлар,  
Ўз қавмидан қувилган  
Ларра каби хор бўлар.  
Одам эмас, ҳатто ғоз  
Айрилса тўласидан,  
Кеча-кундуз шўрликнинг  
иши оҳу зор бўлар.  
Елғизнинг иши ўнгмас  
тўкса ҳамки қора тер,  
Бўлинганни бўри ер,  
айрилганни айиқ ер.  
Дунё кемага ўхшар,  
қалқиб борар тўлқинда,  
Мақол бордур: «Кемага  
тушганнинг жони бир» дер.  
Денгизларда сузсак ҳам,  
Яшасак-да қирғоқда,  
«Тақдиримиз бирга» деб  
Эллар ниндо урмоқда.  
«Тинчлик!», «Дўстлик!»— шу сўзлар  
баҳор қалдирғочидай  
Юраклар ва онгларга  
тўхтамай ин қурмоқда.  
Қуш парвозга тугилар,  
одам эса бахт учун,  
Бахтиёрман, озодман,  
ғаразим йўқ, бор кучим.  
Иқболимдан маст бўлиб  
четда юрмайман аммо,  
Мен инсонман! Юрагим  
тура олмас сира жим.  
Чунки, ҳали кўп элда  
қиш ҳокимдир, ёз эмас,  
Ҳали кўпларнинг сони  
бахтга ҳамовоз эмас.

Чинорнинг томирини  
    Қуртдай кемириб ётган  
Инсофсиз, эгри-бугри  
    бутоқлар ҳам оз эмас.  
Кубада йиғласа биров  
    оқар менинг бетимга,  
Конгода тушган таёқ  
    ботар менинг этимга.  
Асанумага<sup>1</sup> теккан ханжар  
    тегар менинг жонимга.  
Жазоир тортган азоб  
    Беради азоб менга.  
Чинорнинг шохи синса,  
    ёши тўкилар чак-чак.  
Юпата олмай уни  
    еллар бўлади ҳалак.  
Бизлар довулдан кўрққан  
    ожиз япроқ эмасмиз,  
Биз — инсонмиз! Довуллар  
    енга олмас бирлашсак.  
Бирлашсак, ўзлигидан  
    тонар эди худо ҳам,  
Лумумба кўзига ҳам  
    қора бўлмасди олам.  
«Келинглар, бирлашинглари!»  
    деб эшикни қоқмоқда  
Ҳақ ниятли кишилар  
    кўпдан бери кутган дам.

---

<sup>1</sup> А с а н у м а — Япония компартиясининг арбоби, реакционерлар томонидан ўлдирилган.

Ҳар нарсанинг ўз тури, ўз бўёги  
Тенглашиб, мос тушган кезде ярашар.  
Оқ билан келишмас кўмирнинг доғи.  
Қора ранг қоп-қора кўзга ярашар.

Кўк осмонга боқсам ёришар кўнглим,  
Ёзга ярашади ям-яшил кийим,  
Ҳижрон сарғайтишин хуш кўради ким?  
Заъфарон жамоли кузга ярашар.

Баҳор чоғи гуллар таратса атрин  
Қирмизи кўйлаги очади баҳринг,  
Туширмас сариқ ранг олтиннинг қадрин,  
Зар ранггини берсанг жезга ярашар.

Қорайиб кўринар қарғалар қорда,  
Қамчи ўрим нақши ярашар морга<sup>1</sup>,  
Тиниқлик — шишага, илиқлик — нурга,  
Қора холлар оппоқ юзга ярашар.

Ибройим дер, бойдир бўёқ бозори,  
Қайсини изласанг — топилар бари,  
Инсон кўнгли худди товуснинг пари,  
Қанча сайқал берсанг сўзга ярашар.

<sup>1</sup> М о р — плод

Кўп қадим қўрғоннинг токчаларини  
Меҳрли, ардоғли ўрганар жувон.  
Нақ қатик уйитган хурмачаларни  
Олгандай олар ҳар қутини жонон.

Қопқоғин очади: мозий қоқ суяк  
Қовжираб ётади.

қопқоқ сиртида:  
Арабийча ёзув. Худди тирикдек  
Қатор турар аёл мотам ичида.

Қора тўс ёқали, хипча бел камзул,  
Қулон қора сочлар ёйиқ, паришон.  
Қўллар кўкка чўзиқ, диллар ғамдан зил,  
Гўё эшитаман йиғи, мунг, фиғон.

Ким билсин: бир чоғлар бу ерлар узра  
Гунилларнинг лашкари сочдими ўлим?  
Бўйсунмас бошларда ўйнатиб дарра,  
Қутайба сурдими бешафқат ҳукм?

Қайғу вайрон этган уй тўла хотин  
Мотамда ўлтирар тобутни ўраб.  
Кўксини чок этиб ва юлиб сочин,  
Йиғлар, қарғар қайғу, ғамдан жовдираб.

Қулогимни тешар фарёд, аламлар,  
Улкан бир мотамда аёллар бари.  
Бўтадан айрилган она, санамлар,  
Қадимий бу юртнинг бева, туллари.

Оҳ, қандай таниш бу паришон сочлар,  
Бу йиги, бу озор жонимга яқин.  
Ҳамсоёга «қорахат» келган чоғлар  
Шундай йиғлаганди ургадай чақин.

Шундай йиғлаганди, онам бетиним,  
Жангдан майиб қайтиб ўлган ўғлига:  
«Туёғи майрилган жийрон қулиним,  
Нега тушдинг бадбахт онанг гўрига?!»

Номаълум солдатнинг қабри бошида  
Рус аёли шундай нолада кўрдим.  
«Ўғлим!» деб инраган она товишида  
Вьетнам аёлининг қайғусин сўрдим.

«Шукур қил!» дейсану йиғлайсан ўзинг,  
Юпанмас Кердернинг тул аёллари.  
Урушни лаънатлаб, майли, ёш тўкинг  
Эй сиз, Тоқ қалъанинг оссуарлари!



## СУВ ПАРИСИ

*Чимбойда бўлган воқеа*

Фақирвой молларни тўплаб хотиржам,  
Кегайли бўйида олар эди дам.

Найзага келганди қуёш бу чоғда,  
Чайла ҳам ловиллар эди ўчоқдай,

Живирларди ҳаво ҳарирдай титраб,  
Сигирлар кавшаниб ётарди мудраб.

Кегайли анҳори томондан беҳос  
Эшитилиб қолди ажиб бир овоз.

Чайладан бошин у чиқариб кўрса,  
Сувни шапирлатиб ётир бир нарса.

«Наҳангми?» деди у, дарров қўзғалди,  
Қараса... Подачи қотганча қолди:

Дарёда чўмилар эди бир барно,  
Қора сочи сувда қалқир бепарво.

Қамниш илдизидай оқ эди тани,  
Гўзвэлик рамзийди турган-битгани.

Кулгуси жаранглар гўё кумуш жом,  
Гоҳ соҳилга чиқиб оларди ором.

Сўнг қўйиб оҳиёта сувга оёгин,  
Балиқдай биланглаб кетарди тагин.

У қумда ётганда офтобга қараб,  
Мафтун этар қўш анори дириллаб...

Бир вақт қочиб қолди ўрнидан туриб,  
Ўзини тўлқинга урди чинқириб,

Сўнгра сузиб чиқиб сувнинг остидан,  
Қўлларини кўксига маҳкам босди-да,

Уялиб, юзини тескари буриб,  
«Кийимларимни бер!» деди оҳ уриб.

Ҳали ёш бўлса-да Фақирвой шоввоз  
Хабари бор эди оламдан бироз.

Қарилар билганин билар эди у,  
Гоҳ улар устидан кулар эди у.

«Қўрқма сув париси учраб қолганда,  
Шошсанг, ақлинг олиб қилар шарманда,

Кийимларини берма ялинганда ҳам,  
Қўйворма, ушлагин сочидан маҳкам,

Агар сал бўшашсанг — ўзи билади,  
Оғзингни қийшайтиб, мажнун қилади.

Алдашга ярасанг уни мабодо,  
Барча талабингни этади бажо».

Шунақа сирларни билар эди у,  
Деди: «Шошмай тургин, сеҳргар сулуви!»

Ва аста одимлаб сувга тушди-да,  
Ўзини ташлади пари устига.

Сув сочиб қочарди, дод дерди пари,  
Ўнгит гайратланар қиз қочган сари,

Охир кириб қолди қўлига сочи,  
— Уч марта ўп,— деди,— ерни!— подачи,

«Қулинг бўламан» деб қасам ич,— деди,  
Бир сўзлаб, чивиқ-ла бир урар эди.

Қизнинг кўзларини тиндирди ўнгит,  
Барча шартларига кўндирди ўнгит,

Парининг кийимин авайлаб тахлаб,  
Оқшом уйга қайтди уни етаклаб,

Сочидан боғлади дарров ўтовга,  
Бўлди гўдакларга гаройиб совға,

Сўнг ҳамма «пари»га ўрганиб қолди,  
Унга кал Фақирвой уйланиб олди.

Кейин дарак солсак пари изидан,  
Хув қўшни овулда ўсган қиз экан.

1965 й.

## ҚИЗ ҚҰНГЛИ — ҚИЗИЛ ГУЛ

Дарёдай қалқийди қизнинг хзёли,  
Тўхтата олмасанг оқар-да кетар.  
Домига олганда ишқнинг шамоли,  
Қайиғинг сол бўлиб қалқар-да кетар.

Денгиздай бетиним бўлар қиз жонин,  
Тубида ёнадир ноёб маржонин,  
Қойил эта олсанг вафода уни,  
Инжу-маржонларин тақар-да кетар.

Қиз кўнглида асқар тоғлар савлати,  
Ярқираган қорли чўққи ҳайбати,  
Кўнглингда бўлмаса бургут қаноти  
Шунчаки бир қиё боқар-да кетар.

Қиз кўнглида қизил гуллар жилваси,  
Гулга ишқидандир булбул ноласи,  
Кўкрагингда бўлса баҳор қуёши,  
Гунчалар гул бўлиб чиқар-да кетар.

Офтобга ишониб бўлмайди аммо,  
Гоҳо эркалатар, куйдирар гоҳо,  
Ишқнинг кўчасида бўлсанг бепарво,  
Айрилиқ ўтига ёқар-да кетар.

## ГҶЗАЛ ЮПШАРА<sup>1</sup>

*(Абхаз оҳанглари)*

Альпинистлар сўқмоғи бошланган ерда  
Мен сени кўриб қолдим, гўзал Юпшара.  
Бу тоғнинг алқори бўлсам агарда,  
Ўлгунча тарк этмасдим бағрингни сира,

Қоялардан қояга сакраб-югуриб,  
Сен тугилган юксакка чиққан бўлардим,  
У ерда сен Гего-ла бир сойга кириб,  
Қучишиб туришингга боққан бўлардим.

Бир бўса берасану чиқиб қучоқдан,  
Қаҳ-қаҳ уриб қочасан сойларни қувиб,  
Гоҳ яшриниб тошларнинг ортига чаққон,  
Гоҳо самшит бутоғин сувинг-ла ювиб.

Гего эса маст бўлиб ширин бўсадан,  
Паришон хаёл ила кўз очган чоғда,  
Сен йироқ-йироқларга етган бўласан.  
Бечора ошигингни қолдириб доғда.

Гего қақшаб боқади ён-атрофига,  
Алқор сукут сақлайди, сукутда тор ҳам.

---

<sup>1</sup> Гўзал Юпшара — Абхазияда, тоғлар орасидаги воҳа, Бағрида Юпшара ва Гего дарёлари оқади.

Офтобнинг сўнги нури алқор шохига  
Қўниб қолганди, гўё милтираган шам.

Юшара қаён кетди — сўраб ўлтирмас,  
Ужар Гего югурар дарани бўйлаб.  
Қўксини яраласа ҳам чакалак ва ҳас,  
У оғриқни ўйламас, ёрини ўйлар.

Бекинмачоқ ўйнамоқ хатарли бунда,  
Мунча овора қилдинг, Юшара-тентак.  
Сени Гего излайди тоғ аро шунда,  
Қундуз ҳам сени излаб дам олмас жиндак.

Гего тўлқин уради, интизор, ҳайрон,  
Жарлар тубин титкилар, истаги — висол.  
Сен эса, эй Юшара, урасан хандон,  
Қулгисига маҳлиё бир гўдак мисол.

Фақат алқор ўйиннинг томоша қилиб.  
Чопар тик қирғоғингда чопсанг қаерга.  
Алқор — ҳайвон, келишган қадди қомати  
Билади сен сакрасанг, сакрашни бирга.

Алқор бўлмоқликни мен этмайман ҳавас,  
Аммо, сен ила бўлгим келади тун-кун.  
«Алқор бўлсам...» дегандим, сени бегараз  
Дўстим Гего сингари севганим учун.

Юлдуз узиб бер десанг,  
Урлай баланд чўққига.  
Уйиб бергин дур десанг  
Шўнғий денгиз тубига.

Бўлиб қартайган туя,  
Бўтамга эргашайин.  
Устимга шодлик уя  
Минг кўйларга тушайин.

Қийганинг ярашмаса,  
Ечиб ташлайин тортиб.  
Ёзай, сен қўшиқ десанг  
Араваларга ортиб.

Керак бўлганида от,  
Елкамга миндирайин.  
Ясаб бер десанг қанот,  
Елларга қўндирайин.

Фақат, битта тилагим:  
Одамнинг одами бўл  
Уриб турган юрагинг  
Бўлсин азгуликка мўл.

Одам бўлиб бўйга ет,  
Ҳа, одам экан десин.  
«Одамдан тарқабди ит»  
Дейдиган жон бўлмасин!..



## АСАБЛАР

О, асаблар, нафис асаблар,  
Юракларнинг ҳис ирмоқлари.  
Роҳатланиб сизни чаларлар  
Одамларнинг жез тирноқлари.

Бор ташвишин яхши-ёмоннинг  
Устингизга олгансиз сизлар.  
Кран янглиғ кўтарасизлар  
Оғир блокларни замоннинг.

Интилишлар, юксак парвозлар,  
Қаттол кураш, машаққат, умр,  
Изланишлар, куй, эҳтирослар—  
Бари сизга уради муҳр.

Бари сизни чалар беаёв,  
Уйнаб пўлат пружина янглиғ.  
Булар қисқа умрга эгов,  
Жафо, озор экани аниқ.

Ачкиқ тиллар, олайган кўзлар,  
Гезарган лаб, заҳарли юзлар,  
Ҳасад қилиш, ғийбат, қойишлар,  
Гадо бўлиш ёки бойишлар—

Яна қанча-қанча сабаблар  
Бари сизни секин емирар,  
Олмани қурт шундай кемирар.  
О, асаблар, метин асаблар!

Энг бир сезгир локациядай  
Қимир этган сасни ушлайсиз.  
Баланд частотада сиз мудом  
Ўта аниқ, тезкор ишлайсиз.  
Аллақайда синалган атом,  
Аллақайга тушган бомба ҳам,  
Ўғли ўлган вьетнамлик хотин,  
Жафо чеккан олис Конго ҳам,  
Пентагонлар, боннлар — ҳаммаси,  
Зиддиятлар, кураш, ғазаблар..  
Бари сизда берар акс садо.  
Бу замоннинг Эол арфаси,  
Эй, асаблар, тинсиз асаблар.

Дунё деган кенг уйни талаб,  
Танг этувчи тор феъллилар бор.  
Уйимизни кетмаймиз ташлаб,  
Мурасасиз жангда шиддаткор.  
Бу жаҳоннинг яшаш машқида  
Ҳузур кўпда сийламас бизни.  
Юрак тепар умр ишқида,  
Дилда олий мақсадлар изми.  
Мард юраклар — умр мотори,  
Асални ҳам ўзидай тоблар,  
Асримизнинг аёвсиз тори,  
Ҳормангизлар пўлат асаблар!

## ҚИРҒИЗЛАРГА

Икки шунқор икки тоққа қўнганда  
Бир-бирини топишар, бериб овоз.  
«Ға-ға»лашиб ойна кўлга қўнганда,  
Қанот қоқиб, топишади икки ғоз.

Дўст уйида дўстлар меҳмон юрганда,  
Дарёлар ҳам гўё тўлиб-тошишар.  
Ҳар ким Ленин солган йўлдан юрганда  
Саодатли юртда биздай топишар.

Икки дарё бир денгизга оққандай,  
Икки бола бир қоринда ётгандай,  
Олатовнинг осмонида кун кулиб,  
Қоратовда чўлпон юлдуз балққандай

Икки тоғда нур сочди бир аланга,  
Эрк туйғусин бағишлаб жону танга.  
Ота-она ажрата олмай бизларни,  
Бир қалпоқни кийдирган икки рангда.

Икки Чингиз забт этгандир элимни:  
Бирини — қадим, у ёвимдир ўлгунча.  
Бирини кенг очиб уйим, дилимни,  
Соғинаман яна-яна кўргунча.

Дўстлик — зўрдир, садоқатдан туғилса,  
Дўст қадрини жондан ортиқ билгайман,  
Олатовдан оқ қалпоғинг кўринса,  
Қоратовдан қора қалпоқ ирғайман.

БУ ОҚШОМ ЮЛДУЗЛАР ЧЎНГ,  
ИИРИК ЭДИ...

*Пимен Панченкога*

Файзли оқшомлардан нақ бири эди:  
Ҳаво шундай очиқ, шамол шўх парвоз,  
Ҳам шеърӣй мулоқот, ҳам кулги, ҳам соз,  
Ҳам кўкда юлдузлар чўнг, йирик эди.

Декада — дўстликнинг ўн кўркам қизи,  
Халқнинг халққа меҳри, тўйи мингларнинг.  
Гўё олиб келган Полесье ўзи  
Яшил шилдирашин оқ қайинларнинг.

Ошпоқ пахтасидай оқ кўнглин очиб,  
Қорақалпоқ чиқди кутгали қўноқ.  
Чексиз олмazorлар май гулин сочиб,  
Тун бўйи булбуллар сайради уйғоқ.

Белорус куйларин тинглади юртим,  
Оҳанги пайваста дутор торига.  
Дўстим Науменко жўр бўлди, кўрдим,  
Ойимхон ўйнаган «Норим-норимга».

Дўстлар даврасида кўп нарса аён:  
Партизан ўтлари, Қупала тўйи.  
Максим Танк шеърлари оқади равон,  
Унга ҳамоҳангдир Бриллининг ўйи...

Тўрткўл кечасида, колхоз боғида.  
Завқли тун бағрида этардик ҳузур.  
Боладай қувнаб сен боғ қучоғида,  
Менга имо қилдинг: «Дўстим, буён юр».

Дунё жой бўлади шоир жонингга,  
Биларсан оламнинг феълун равшини.  
«Қара, қара, шоир, ўз осмонингга,  
Қандай ажойиб-а» дединг менга сен.

Боқдим, шайдосидек сўнгсиз чиройнинг,  
Хаёл дарёсидай Сомон йўли ҳам.  
Сув ичшга келган минг-миллион тойнинг  
Қашқасидай юлдуз чўнг эди — кўркам.

О, шоир, бу ёрқин, нурли юлдузлар  
Дўстликдай абадий, меҳрдай ёрқин.  
Улар ҳароратли юракдай сўзлар,  
Кўнгила туйғуларинг этади талқин.

Салом, шимол гули, қардош белорус,  
Ботир партизанлар улғайган днёр.  
Ҳар битта шоиринг бир ўтли юлдуз,  
Иқбол кўки ичра порлар бахтиёр...

Шундан буён йирик юлдузлар кўрсам,  
Кўнглим дўстларимнинг дийдорин қўмсар.  
Гўзал Нарочь кўли, Минск ҳамда сан,  
Беловеж бугуси ёдимга тушар.

## БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Кексалик фаслининг қирови инган  
Сочингизга қараб ўйга толурман..  
Уч тўп тол оғуши ичра бекинган  
Кичкина оқ уйга кириб борурман.

Гўё жез қўнғироқ жаранглаб тонгда  
Яна ўтираман таниш партада.  
Қувноқ шовқин-сурон тингани онда  
Сиз пайдо бўласиз яна ўртада.

Сабоқ ўргатсангиз бизга сўз қотиб,  
«Т»дан той чопқиллаб, «Ғ» дан учар ғоз.  
Ҳарфлар ҳам бирма-бир қоғозга ётиб,  
Дилга ажиб шуъла бағишлар пардоз.

Сиз неки айтибсиз, биз учун қонун,  
Ҳар пандингиз бизга йўл-йўриқ эди.  
Бешни бешга қўшсак, пайдо бўлур ўн,  
Гўё сиз билмаган жумбоқ йўқ эди.

Бармоқ учингизда харита сўзлаб,  
Дарёлар денгизга оқа бошлади.  
Маймун тўдасидан улғайиб — одам,  
Фил — мамонт қувиб, ўт ёқа бошлади.

Ҳамон юракларда шу ўт пайванди,  
Дилларга оташни сиз ўриятдингиз.  
Ота боласимас, Ватан фарзанди—  
Бўлмоқ алифбосин сиз ўргатдингиз.

Мўйсафид чеҳрангиз кўрдиму, устоз,  
«Биз ҳам талай ёшга етибмиз» дедим.  
Қанча улғайсам-да, дилда эҳтирос,  
Доскага чиққандай довдирар эдим.

Биров олим бўлур, биров кон излар,  
Биров йўл очади юлдузлар сари.  
Аmmo сиз улғайтган йнгитлар, қизлар  
Сизга таъзим этар ҳурмат-ла бари.

Биз тайёр! Қелажак дилларда аён.  
Марҳамат, уй ишини сўранг галма-гал.  
Биз учун энг доно устозсиз ҳамон,  
Афлотунлардан ҳам аъло-ю афзал.



Шоирларнинг қандоқ суймоқлигини  
Одамлардан эмас, юлдуздан сўра.  
Билишнинг ҳожати бормикан сенга,  
Шоирларнинг қандоқ куймоқлигини?!

Ойна тагида Шопен қалбига қаранг,  
Муҳаббат тигидан садпора бўлган.  
Пушкин севгисининг ёлғиз лаҳзасин  
Қанча авлод, қанча замонлар билган.

Шоир севмас алдаб ёки қул бўлиб,  
У севса, энг яхши қўшиқ туғилар.  
Қақнусдай ишқ ичра ёниб қул бўлиб,  
Қул тагида яна тириладилар.

## СУФИ ТУРҒАЙНИНГ УЛИМИ

### *Элегия*

Йўл бўйида бир туп ёвшан тагида  
Ётар, ана, қанотин ёйиб тўрғай.  
Ҳалигина кенг дала этагида  
Роҳатланиб сайрарди, гами йўқдай.

Тупроққа чўмилиб, ағанаб ошиқмай  
Бир лаҳза ер тинглаб ётар эди ул.  
Сўнгра кимдир улоқтирган ошиқдай  
Ўзин самоларга отар эди ул.

Кўз олдида яшнаб турар эди чўл,  
Кенг даланинг кўркига кўз қамашиб.  
Тик осмонга ўз қалбини михлаб ул,  
Куйиб-пишиб бошлар эди наъмасин.

Шу кичкина, мурғак жонга завқ солиб,  
Яшаш ишқи бахш этарди кўрк, зиё.  
Кийиклар ҳам ҳуркаклигин унутиб,  
Сеҳрланиб тинглашарди маҳлиё.

Ҳамоҳангди куйи қайнар булоққа,  
Яшилланиб баҳр оларди ўт-ўлан.  
Буткул олам айланиб бир қулоққа,  
Тинглардилар, тўрғайни меҳр билан.

Жўш урарди ўзин тамом унутиб,  
Сайраб-сайраб шўх оҳангга тўлди у.  
Шу пайт... булут уни дўл-ўққа тутиб,  
Куйлаётди кўкдан қулаб ўлди у.

Қизғалдоқ қон йиглаб, ёвшан зор анқаб,  
Куйчи қушнинг азаси тутди чўлни.  
Ўлди-ю у лекин қўшиқ, куй донғини  
Қўл етмас юксакка чиқариб ўлди.

Оппоқ кўксинг болангга бериб,  
Меҳр кўзинг унга солдинг-да,  
Бир романга унсиз тикилиб,  
Утирибсан менинг олдимда.

Қора, қуюқ, қўш ўрим сочинг  
Оқ сийнангдан тушар сирғалиб,—  
Ишқнинг унсиз симфониясин  
Дилга олиб кирурлар голиб.

Оқ кўксингни сийпалар аста  
Жажжи қўлли эрка чақалоқ.  
Кўзин юмиб, эмар нораста,  
Меҳрнинг ияр бўлиб қўшбулоқ.

Дилбарим деб қучайин десам,  
Оналигинг сеҳри этар лол...  
Фариштадай учайин десанг,  
Ерда инсон бўлмасми увол.

Оқ булутни олтин тахт этиб,  
Боласини эмизган қуёш—  
Биби Марям сен бўлиб кетиб,  
Ҳузурингда мен эгаман бош.

Гўё жами эркаклар зоти  
«Не гуноҳим бўлса ўт» дея,  
Оёгинга йиқилиб ётиб,  
Сўрар шафқат ва меҳри гиё.

Бошин қўйиб оппоқ сийнага  
Фарзанд ўйнар. О, қандай кўркам!  
Рафаэлга ва да-Винчига  
Шу лавҳадир шуҳрат берган ҳам...

Кеч маҳалда майса қирдан  
Бир тўп тўрғай учиб кетди.  
Сенинг қизлик чоғинг бирдан  
Едларимга тушиб кетди...

Қайга борсанг бирга кетдим  
Соянг бўлиб мен ёнингда.  
Ўз инингдай эркатдинг,  
Оғзингдагин бериб менга.

Унутмайман қиз чоғингни,  
Қўз олдимда юришларинг.  
Синглинг тақса мунчоғингни,  
Жаҳлинг чиқиб, уришмадинг.

Янганга қарашиб кунда  
Сен ёрғучоқ тортар эдинг.  
Оқбўз отли бир йигитни  
Қўшиқ қилиб айтар эдинг.

Ҳайит, тўйда гап отишиб  
Йигитлар суйканса сенга,  
Аччиқланмай, кулиб аста  
Қараб қўяр эдинг менга.

Бир кун оқшом сен полизда  
Ўтирардинг сочинг тараб,  
Қора кўзинг тўлиб ёшга,  
Олисларга қолдинг қараб.

Дединг менга кулиб мунгли:  
«Тушди ҳозир кўзимга чўп»,  
Сезган эди бола кўнглим,  
Юрагингда дардинг бор кўп.

Босиб юмшоқ бағринга сен  
Суйдинг, мақтаб бўйларимни.  
«Яхши йигит бўл», деб тағин  
Силаб қўйдинг ҳайдаримни.

Жийдазорнинг орқасида  
От кишнади. Сен ошиқдинг.  
«Унутмагил мени» дея,  
Чўнтагимга олма тиқдинг.

Қолди ерда синиқ ойнанг,  
Мен «кетма» деб йиғлаб турдим  
«Керакмас деб берган олманг»,  
Мен изингдан улоқтирдим.

От кишнаган майса қирдан  
Бир тўп тўрғай учиб кетди...  
Сен қочган у оқшом бирдан  
Бугун ёдга тушиб кетди.

## БИЗНИНГ ОВУЛ ҚИЗИ

Кўкнинг гўзал оққув қушин  
Сенга ўхшатганлар кўп.  
Турналар ўз нафис ҳуснин  
Сендан олган бўлса хўп.

Она туя бўтасига  
Бермиш сенинг кўзингни.  
Кексалар ўз боласига  
Сурма қилар изингни.

Тўйда кўрсам, эл нигоҳи  
Мойли фақат сен томон.  
Ишда кўрсам бир илоҳи  
Мусиқадай баркамол.

Тавсифингдан сўйлай берсам,  
Мақтангандай кўринур.  
Сен баҳордай кўркам, бекам,  
Далаларда кезган нур.

Ё саҳролар оғушида  
Ўйнаган оппоқ оҳу?  
Очкўз овчи тун тушида  
Кўргани гўзал орзу?



Сен ҳеч кимга берма эркинг,  
Мудроқ ўтмишни унут,  
Кериб юргин баланд кўксинг,  
Жасурларнинг йўлини тут.

Сенга мардлик, ҳур ўқтамлик  
Ақл, идрок ярашиқ.  
Сени кўрган йигит бахтлиқ,  
Танасида ёнар ишқ.

Майли, куйдир тана, багрин,  
Ноздан белинг қайрилсин,  
Шаҳарларнинг тақаббури  
Оромидан айрилсин.

Ўз уянгдан учиб чиқиб  
Кезмадинг ҳали жаҳон.  
Чирой кўригига кириб,  
Аталмадинг «Сулувхон».

Зеро бундай шуҳрат нечун,  
На даркор бундай эрмак?  
Сени жаҳон билсин учун  
Менга зўр қалам керак.

Лермонтов ҳам Врубелнинг  
Қаламлари сеҳридан  
Дунё эли воқиф бўлди  
Тамаранинг зикридан.

Кел, жамолинг бахш этсин куч,  
Дилда илҳом жуш урсин.  
Қаламимга куй бўлиб кўч,  
Жаҳон камолинг кўрсин.

Сўнг кўрайчи бўлмаганин  
Донгинг элда овоза,  
Ҳатто кўкнинг шум Демонин  
Бошинг узра парвона.

Кўрайин, мен эллар оша  
Достон бўлиб кетганинг.  
Афродита шоша-пиша  
Либосини кийганин.

## СААРЕМА

Бир диёрсан олисдаги,  
Юзи кунга бурилган.  
Асов денгиз тўлқинлари  
Соҳилига урилган.

Нафис, нозик гулларингдан  
Нусха олган ҳар меҳмон,  
Мақтагай ўз элларида,  
Тўқиб эртак ё дoston.

Юхан Смуул, Аду Хинтлер  
Илҳомига сен тема.  
Денгиз гули — ажойиб ер,  
Саарема, Саарема!

Балиқчилар қайтиб овдан,  
Кафеларга келади.  
Чеҳраларни ювмиш обдон  
Денгизнинг шўр еллари.

Кўпикланар хуштам пиво  
Косада қаҳрабо ранг.  
Ирғалишар балиқчилар  
Шўх куй билан ҳамоҳанг.

Қувноқ қўшиқ мавжида дил  
Чайқалар мисли кема:  
«Сендан кўркам ер йўқ ҳеч бир  
Саарема, Саарема!»

Отар тонглар, ботар кунлар  
Сенга кўрк бериб кетсин.  
Олис кетган корабллар  
Қўрмоқни армон этсин.

Улуғ денгиз, ботир инсон  
Ҳуснидир табиатта.  
Урин бўлсин сенда ҳар он  
Мардлик ва муҳаббатта.

Ендошмасин ҳеч шум қадам,  
Жозибанг бўлсин мангу.  
Тор феълли қитъалар ҳам  
Кенглигинг қилсин орзу.

Мардларга хос йўриқ билан  
Қиличингни санчиб қумга,  
Иргал сулув қўшиқ билан,  
Саарема, Саарема!

## ШУҲРАТ АРАВАСИ

Шуҳрат аравасин тилла гупчаги,  
Эгари кумушдан ясалган, башанг.  
Шуҳрат жилови зар, зар тугунчаги,  
Аммо юролмас у чанг-тўзон оша.

Оёқни қиймалар тикан ва тошлар,  
Тоғ сари ўрмалаб чиққанинг сайин.  
Ёмон йўл тинкани қурита бошлар,  
Тоғдан қиров тушар бошингга майин.

Ярим йўлдан қайтар кимлар енгилиб,  
Аммо сен қайтмадинг, йўлдан қолмадинг.  
Пастга ҳам боқмадинг бирров эгилиб,  
Энг юксак чўққига етдинг, толмадинг.

Пойингга бош уриб ағнар булутлар,  
Ернинг саратони бунда сира йўқ.  
Тушиб келаётирсан мамнун, кўнгил тўқ,  
Толиққан оёгинг омонат турар.

Тушиб келаётирсан, юксакдан танҳо,  
Манзилга етишга жуда қолди оз.  
Зарур эмас сенга на от, на улов,  
Шуҳрат араваси чопади пешвоз.

Шов-шув билан борар арава шаҳдам,  
Йўллари толадай узун, ингичка.  
Ясалган мақтовнинг мўрт ёғочидан  
Арава ярамас, серзаҳмат ишга.

Баъзи бир одамлар буни билса-да,  
Уни ҳайдайвериб ҳориб-тинмаган.  
Пушкин йўл аравасин ёллаб минса-да,  
Шуҳрат аравасин йўлга минмаган.

Дўстларим бор, йўқмас — душманим;  
 Ҳар кимнинг ҳам бордир бир ёви.  
 Яхши кўрса биттаси мани,  
 Еқтирмайди бошқа бирови.

Одам бўлмоқ эмасдир осон,  
 Бу йўлда бор, балки кам-кўстим  
 Феъл-атворим ёқмай ногаҳон —  
 Ташлаб кетар баъзи бир дўстим.

Тош тарафга оғса тарози,  
 «Жон дўстлар» ҳам сени дер «ёмон!»  
 Демай: «Бу гап ёлғонми, ростми»,  
 Нафратларин сочар беомон.

Майли, гапим, феъл-атворим гоҳ  
 Кимларгадир ёқсин-ёқмасин,  
 Халқим! Нафрат — қаҳрингдан, бироқ,  
 Йўқ худонинг ўзи сақласин!

## САЛЛОНА-САЛЛОНА БОРАР БИР ЖОНОН

Кенг далада кўнгли дарёдай тошиб  
Бир йигит борарди тонг саҳар чоғи.  
Чакмони елвагай, кўкраги очик,  
Чарм қўшбоғида ўйнар пичоғи.

Ўзин Бердақ сезар, ўзин хон сезар,  
Чўзса, ҳозир қўли етардек ойга.  
Кўнгли кенг далани чарх уриб кезар,  
Хуштак чалиб қўяр сўфитўрғайга.

Попоғин елкага суриб бир замон  
Бейхтиёр қарши томон қаради:  
Кўз илғар-илғамас олисда чунон  
Саллона-саллона бир қиз боради.

Йигит аниқ кўрди шунчалик ердан;  
Чумоли мисоли нозик бел экан.  
Кийган либослари тамоми зардан,  
Қелишган қиз экан, «келсанг-кел» деган.

Қизил кўйлак борар ловуллаб ёниб,  
Бунингдек сулувни ким ҳам кўрибди?  
Гўзал оёқларга «юр» деб сўраниб  
Икки ўрим сочи тақим урибди.



Ўлжа кўрган сордай йигит ютиниб,  
Оч назари билан боқар қиз ёққа.  
Юраги орзиқиб, кўзлари тиниб.  
Ошиқди сўнг уни қувиб етмоққа.

Қиз кийган кавушнинг ғарч-ғурчини ҳам  
Эшитгандай бўлди яқинроқ келиб,  
Ғайрати жўшди-ю завқ ила шаҳдам  
Қирдан ошиб ўтди, югуриб, елиб!

Йигит сал секинлаб, ечди чакмонин,  
Шул замон қараса қиз бўпти ғойиб!  
«Қизми, ё паримн менинг қувганим!  
Ё ажаб!»— дер эди шўрлик анқайиб.

Пўллар қолаверди, чакмон ҳам қолди,  
Бир тепа бошида қолди попоғи.  
Этигин ечди-да, қуш бўлиб олди,  
Қолди кўк майсалар ичра белбоғи.

Қиз борар буралиб қизил тулкидай,  
Йигит този бўлиб ўқдай учадир.  
Ордона қолади шодлик, кулкилар,  
Йигит қайтмас, жондан кечса, кечадир!

Бор кучини йиғиб югурди ўғлон,  
Кесиб чиқди қизнинг рўбарўсидан.  
«Оҳ, қандай хушбичим экан бу жонон!»—  
Завқланиб, шод эди ўзи ўзидан!

«Тўхта, бўтакўз»— деб ҳаприқиб бориб  
Қизнинг майингина қўлини олди.  
Йигит бояқишнинг юзи оқариб  
Лаб тишлаб, ҳайратдан анграйдди қолди.

Азондан кечгача қувган «жонони»  
Чўтир ҳам шилпиқ кўз бир аёл экан,  
Йигит кўнглин тирнаб хижил — армони  
«Алдамчи дунё!» деб йиғлаган экан.

«Бизнинг ёқ баридан яхши» демайман,  
Демайман юртимни унчалик ёмон.  
Юз бор эшитгандан бир кўрган афзал.  
Мақтанишни ҳозир кўтармас замон.

Учрашиб қолишса Чимбой, Гурландан  
Икки аравакаш Хивада қадим:  
«Ўтсам ўтаману, қолмайман сендан!»—  
Деб ўзини мақташга тушаркан ҳар ким:

— Бизларда тамаки, кўкнор жуда кўпи  
— Бизда-чи, янтоқда пишадди қовун!  
— Бизда бугдой пишар тайёр нон бўлиб...  
Бизда эса ётиб ейишинг мумкин...

Мақталган у ерни бир кўрсам деган  
Ният бўлар экан ҳар биттасида.  
Энди-чи, юрибмиз, туз-насиб экан,  
«ИЛ-18» билан кўкнинг пастиди...

Кеча Таллиндаги кафега кириб,  
Гапирсанг элингни ортиқча мақтаб,  
Эрта эса уни Нукусда кўриб,  
Уялиб қолишинг, дўстим, турган гап.

Ростим шу: бизда ҳам элнинг оти — эл,  
Бу ерда ҳам сиздай одамлар яшар.  
Холис ният билан кўргинг келса, кел  
Насибанг кўрасан — не йўқ, нима бор.

Дейдилар; кузакда кетган турналар  
Қайтишар, Оролга келганда баҳор.  
Мен ҳам, қайга бўлсин қилмайин сафар,  
Соғиниб, ошиқиб қайтмоқлигим бор.

Офтоб сарғаяру кунгабоқардай,  
Ез бўйи тепангдан кетмас ёлқини.  
Кўксингдан итармай беришгуси жой  
Сув бўйи, толларнинг соя-салқини.

Чумчуқдан ким қўрқса экмайди тариқ,  
Иссиқ-совуғига кўникдик бутун.  
Олмаси чойнакдай Тўрткўл боғлари  
Кунсиз ахир қандай пишмоғи мумкин?

Кун қанча куйдирса, нозик пахта ҳам  
Шунча оқаради, йўқдир ҳеч сири;  
Бугдой ранг болалар юзидан бу дам  
Аму суви билан томар кун нури.

Аму! Йўқ, бу сўзни, мен сизга айтсам,  
Бепарво талаффуз қилолмас халқим!  
Аму бўлмаганда бу ерни биз ҳам  
«Қорақалпоғистон» демасдик балким.

Унингсиз Орол ҳам бўлмасди мутлоқ,  
Кўҳна Хоразм юз очмасди мангу!  
Бунда йўқ шонрга илҳом берар тоғ,  
Бизнинг шоирларнинг Парнаси—Аму!

Бу қадим соҳилда янги турмушнинг  
Сафоли куйларин тинглаб ўтарсан.  
Азалдан иримчи, соддадил Шарқнинг  
Баъзи одатига кулиб кетарсан.

Унутмассан бу эл меҳрини бироқ,  
Меҳнатга, дўстликка садоқатин, бас.  
Иқболи, рисқи бут қадимий тупроқ—  
Кўрки, сахийлиги кўнглингдан кетмас.

Бу халқнинг меҳмонга ҳурмати беҳад,  
Боласига бермай: «е, дейди, қўноқ!»  
(Чин айтсам, менга ҳам ёқмас шу одат,  
Қонинизга сингиб кетган-да бироқ.)

Кўришганда, тақма қора кўзойнак,  
Столми, гиламми? Мана, ёнбошла.  
Бойбекам келтирса чой тўла чойнак,  
Чўлламай турсанг ҳам симириб ташла.

Ҳой меҳмон, ёнингда бунча ястиқ паст,  
Яна баланд қилиб бирин қўйиб ол.  
Қўлинг бўш, олдингда таом, бемалол—  
Бемалол танаввул қилиб, тўйиб ол.

Гаплар бир-бирига қовушиб кетар,  
Шароб ва сигарет... Давра ҳам шинам.  
Девордан қўлингга сўнг ол-да дутор,  
Бир оз тинғирлатгин чертолмасанг ҳам.

Сўнгра қорақалпоқ ўзи чидамай  
«Менга бер-чи...» дея узатади қўл.  
Паловдан кейин чой, фароғат, бай-бай...  
Соз суҳбат бозори қизийди буткул.

Холис ният билан, кўрай десанг, кел,  
Тоза кўнглинг очиқ, вақтинг чоғ бўлсин.  
Қария учраса йўлда салом бер,  
Фақат оқил эрлар чин ҳамроҳ бўлсин.

Уйим оддийгина, бағри кенг, аммо  
Эшиги ланг очиқ, келсанг-да қачон.  
Меҳмон ахир, дерлар, атойи худо,  
Хуш келдинг, марҳамат! Буюргил, меҳмон!

## ҚИЗИНГ ГҶЗАЛ БҶЛСИН, ШОИРА БҶЛСИН

*Зулфияга*

Опиоқ тонг тўлганиб, туғилмасдан кун,  
Энг ёруғ юлдузлар иқболдан гулгун  
Айтмиш шивирлашиб бари ушбу тун:  
Бугун саҳар чоғи шодликка тўлсин.  
Вақт етиб темирчи уйида бугун  
Қиз тугилиб, оти Зулфия бўлсин.

Озод, хуш қилиқли қиз бўлсин ўзи,  
Паранжи кўрмасин ой каби юзи,  
Кўп йўлларга тушсин муборак изи,  
Тонг юлдузи мисол оламга кулсин.  
Минг тумандан қайтсин ҳар огиз сўзи,  
Озод қизнинг оти Зулфия бўлсин.

Айтмиш: кўзларинда юлдуз бўлсин деб,  
Кўнглида гўзаллик гуллаб турсин деб,  
Курашсин, қийналсин, бари енгсин деб,  
Ўзбек қизи булбулдай хониш қилсин,  
Етти иқлим унга қулоқ берсин деб,  
Исми ким деганда — Зулфия бўлсин.

Бир қалам тортганда — гунчаласин гул,  
Икки бор тортганда — мавжга келсин дил,  
Учинчи бор — нола чексину булбул,

Ишқи чирогига парвона бўлсин,  
Қўшиқлар уйғотиб баҳорда маъқул  
Ҳамманинг тилида «Зулфия» бўлсин.

Айтмиш: қиз иқболи бўлсин зиёда,  
Уни билсин Париж, ҳам Қоҳирада,  
Ҳинд элида тушиб мушоирага,  
Ҳар босган қадами гул, гиё бўлсин,  
Овозаси кетиб бутун дунёга  
Қайда бўлса, бизнинг Зулфия бўлсин.

Яхши одам исми — кўнгилнинг нақши,  
Ниятлаб от қўйсанг — ҳаммаси яхши.  
Айтинг, ким қизига исм қўймоқчи?  
Толе оқшомида бир зиё бўлсин.  
Гар бўлсанг фарзандинг донғин ёймоқчи,  
Илтимос, қиз оти «Зулфия» бўлсин.

Ўғил бўлса, ўзинг от қўйгил доим,  
Маили, Гафур, Ҳамид, маили Ибройим..  
Бироқ сизга бир насиҳат қилайин:  
Қизингиз чевару, шоира бўлсин.  
Гўзаллик тимсоли бўлсин, илойим,  
Исми ҳам, ўзи ҳам Зулфия бўлсин!



## ХАЛҚ СЎЗЛАРИ

Халқим доно десам бўлар,  
Нақл айтган била-била.  
Сўйлай-сўйлай чечан бўлар,  
Доно бўлар кўра-кўра.

Нақл кўпнинг мулки бўлар,  
Одам шуми тулки бўлар,  
Ит юлдузга кулки бўлар,  
Ойга қараб ҳура-ҳура.

Қўрққанга қўша кўринур,  
Дўстинг сафарда билинур,  
Юрган топар дилига нур  
Кўп кўрарсен юра-юра.

Пасткашларга амал етса,  
Фуқаросин талар итча,  
Қумурсқага қанот битса,  
Тинчитмайди кела-кела.

Халқим ёлғон демас атай  
Замонларни кўрган талай,  
Биров ўтган йиғлай-йиғлай,  
Биров — даврон сура-сура.

Шоирлик қилса нодонлар,  
Балога қолар одамлар,  
Аҳмоқ айтар, оқим тинглар  
Керагини ола-ола...

Манманликка учар нодон,  
Чумчуқ ўз кўнглига ботмон,  
Эшак ўзсам дейди отдан  
Нортуядай юра-юра.

Гўнг қаргадан бургут бўлмас,  
Денгиз сувин сирқиб бўлмас,  
Соз, майин жун қирқиб бўлмас  
Ола кўйдан сира-сира.

Одамларнинг ҳар хили бор,  
Ўқимай ҳам эсли, ҳушёр.  
Хизматкордан доно чиқар  
Сўзга қулоқ бера-бера.

Қизлар нимча кийишадир  
Мард майдонда синашадир,  
Қимирлаган қир ошадир,  
Меҳнат — таги роҳат, жўра.

Киприкдан кўнгилга яра  
Тушса, унга бор не чора.  
Бетартиб ўсган қиз бола,  
Бало топар кула-кула.

Мўйсафидлар шундай сўйлар,  
Бунинг маънисин ким англари  
Отадан олтов бўлганлар,  
Етов бўлар ўла-ўла.

Қаловин топ, қор ҳам ёнар,  
Эпсиз урсанг, болта синар,  
Йигит одоб, гап ўрганар  
Суҳбатларга кира-кира.

Дунё қувган бойир, ўтар,  
Сайёҳ кезар, сайр ўтар,  
Из қолдириб шоир ўтар  
Сўз маржонин тера-тера.

## ЭПИГРАММАЛАР

### БИР ДАБДАБАЛИ ОЛИМГА

Агарда мен подшо бўлсам:  
Олдириб пулга,  
Китобингни ўқитардим  
Гуноҳкор қулга.

### ҚОРАҚАЛПОҚҚА

Номинг — тўрт бўғили сўз,  
Айтарда тилга оғир.  
Ўзинг бир чимдим халқсан,  
Дастуринг<sup>1</sup> филга оғир.

---

<sup>1</sup> Д а с т у р — урф-одат, анъаналар.

## ЙИГИТНИНГ ДЎСТИ БЎЛСИН

Кўкдан тушган ўзбошимча йигитлар,  
Суринглар давронни, ўртангиз тўлсин,  
Ҳозир ёқмас сизга панду ўғитлар,  
Шунда ҳам айтаман: дўстингиз бўлсин.

Дўстлик гулшанига ўхшаш бу замон,  
Кўнгиллар кўнгилдан сув ичар мудом.  
Узинг яхши бўлсанг кўпдир дўст-ёрон.  
Дўстларнинг ичида бир дўстинг бўлсин.

Сенга ҳамдам бўлсин ўзи ёшидан,  
Студентлик вақтин зоғорасидан.  
«Жонимни берайин» демасин лутфан,  
Берса айтмай берар бир дўстинг бўлсин.

Синчи дунё қўшиб талай бошларни,  
Ҳисоб-китоб қилиб синар дўстларни.  
Айтқизар ҳар турли янглиш сўзларини  
Шунда янглишмовчи бир дўстинг бўлсин.

Сув бўйида бир жуфт ҳавойи терак,  
Томири қўшилган, шохаси бўлак.  
Отларин сугорсин юракдан юрак,  
Бир-бирига содиқ икки ғоз бўлсин.

Бойлик йўлда ётган тулкига ўхшар,  
Билмаган гаразнинг ипига тушар,  
Бир қиз бўлиб иккингига кўз қисар,  
Зеҳни шунда қилни қирқ ёрар бўлсин.

Хўжалик ташвиши тушганда бошга,  
Ҳар ким мафтун бўлиб бир сумбул сочга,  
«Дўстмиз» деган мардлар кетар қум-тошга  
Шунда ҳам сир бермас бир дўстинг бўлсин.

Ақлу фаросатли, қувноқ азамат.  
Бўлсин ҳам ўзингдан бир қадам зиёд.  
Ул ҳам сендан олсин завқ билан қувват,  
Асқар тоғ ҳайбатли бир дўстинг бўлсин.

Содиқ қолсин тотгач шуҳрат мевасин,  
Тортсин ҳамроҳ бўлиб ақл кемасин,  
Сен не десанг «барн маъқул» демасин  
Адашсанг авайлаб ҳақ йўлга солсин.

Қайнаб кетсанг босиб қўйсин ўтингни,  
Чарчаб қолсанг алмаштирсин отингни.  
Ақли, ўйи ош-қатиқдай тотимли  
Йигитнинг жонкуяр бир дўсти бўлсин.

Юк ортилиб карвон юриб кетганда,  
Урнига ёш авлод келиб етганда,  
«Шундай асил дўстлар бўлган экан» деб  
Урни келган ерда айтишиб юрсин.

## ҚОЗОҚДАРЕ

Ҳар туп терак, ҳар уй бунда  
Сувга боққан, Қозоқдарё.  
Қорақалпоқ тарихида  
Номи чиққан Қозоқдарё.

Ғозлар ўз тўпини излаб  
Келар кўлда бўлиб сузмоқ.  
Сув бўйида макон тузмоқ  
Мерос бўлган Қозоқдарё.

Сарсон бўлиб кўп армонда,  
Ота-бобо оч қолганда,  
Қишда дийдираб толганда  
Мадад бўлган Қозоқдарё.

Тўлиб-тошиб, куйлаб-куйлаб,  
Бахт қозони бўлиб қайнаб,  
Эл чақириб балиқ ўйнаб,  
Бозор этган Қозоқдарё.

Манба олиб Оқдарёдан,  
Ўтиб кўп кўҳна ирмоқдан,  
Отингни эшитган одам,  
Сенга кўчган, Қозоқдарё.

Белгисидай номус-орнинг,  
Урни бор қонли қамалнинг,  
Ботир бобом Эрназарнинг  
Қони томган Қозоқдарё.

Халқ ҳолини ўйлаб ўтган,  
Кўрганни куйлаб ўтган,  
Оққалъада Бердақ ўтган  
Муқаддас ер Қозоқдарё.

Зулмат ўтиб, бўлиб сайил,  
Ержон атов, Узун қайир,  
Пичан ўриб Умар шоир,  
Қўшиқ қилган Қозоқдарё.

Кўчанг дарё, сув ўртаси,  
Ғоз қатор уй айланаси,  
Оролнинг Венецияси,  
Ажойиб эл Қозоқдарё.

Ов қилишга муносиб кўл,  
Қамишларни чайқар довул,  
Яшнаб ётган обод овул  
Атоқли эл Қозоқдарё.

Гоҳи қайтиб, гоҳи тошса,  
Сув камайиб денгиз қочса,  
Янги ўзан булоқ очса  
Тўлар яна Қозоқдарё.



## БУЛБУЛ ТҮЙИГА

*(СССР Халқ артисти Ойимхон Шомуротовага)*

Саҳар туриб чиқсам Аму бўйига,  
Гуллар гунчаланиб кулди, Ойимхон.  
Санъат саҳнасининг шодлик тўйида,  
Овозинг жаранглаб келди, Ойимхон.

Қайгудан намиққан жавдар кўз эдинг,  
Қўнғиротли қорамағиз қиз эдинг,  
Армон осмонида бир юлдуз эдинг,  
Тонг билан оламга келдинг, Ойимхон.

Санъат меҳрин олиб ўткир зеҳнингга,  
Мафтун қилиб ҳеч қайтмасдан кейинга,  
Рўмолингни қиё ташлаб кифтингга  
Силкиниб саҳнага чиқдинг, Ойимхон.

Кўп тўсиқ бўлишди, сени кўролмай,  
«Артист» деб устингдан кулишди талай.  
Қолди гийбатчилар гувлаб шамолдай,  
Мартаба тоғига миндинг, Ойимхон.

Созандалар созлаб қошингда созини,  
Дунёга таралди озод овозинг.  
Қушлар манзилига етмоғи лозим,  
Сен санъат парвозин тутдинг, Ойимхон.

Сен куйлаган маҳал қувноқ наъмани,  
Гулдай яшнар янги турмуш жамоли,  
Кўнгилларда эсиб совур шамоли  
Қиш — тўқсонлар ёзга дўнди, Ойимхон.

Қўшиқ жарангласа авжига миниб,  
Тошларга тил битар жуибушга келиб,  
Кенг саройли заллар шамолдай тиниб,  
Кўнгиллар сел бўлиб кетар, Ойимхон.

Сенсиз қизимайди тўйлар, сайиллар,  
Йўлингга поёндоз ранг-баранг гуллар,  
Олдинда лол бўлиб қувноқ булбуллар,  
Келиб чанғароққа қўнар, Ойимхон.

Бир айтсанг яна деб эл қилар талаб,  
«Соғ бўлгин янгалаб» ёки «опалаб»,  
Хурккан каптарлардай уришиб чапак,  
Саҳнадан туширмас сени, Ойимхон.

Кўрган чоғи тўлин ойдай юзингни,  
Халқим тинглаганда хуш овозингни,  
Театрлар торта олмай нозингни,  
Саҳналар қисирлаб турар, Ойимхон.

Куйинг тутиб ўзбек, туркман юртларин,  
Қимирлатдинг қанча йнгит муртларин,  
Қорақалпоқнинг юракдаги дардларин,  
Кўшигингда баён этдинг, Ойимхон.

Чиқсанг рўмолингни елканга солиб,  
Юртнинг қарсақлардан қўллари толиб,  
Қайта бошдан эски дарди қўзғолиб,  
Кексалар ёшлигин эслар, Ойимхон.

Санъатинг жаҳонга кўз-кўз қилгани,  
Эл кўксингга тақди ҳурмат белгини,  
Аму бўйларининг шайдо булбули,  
Тўй муборак бўлсин, янга—Ойимхон!

Мен Абайни ёддан билган халқман,  
 Қора бўлди бошга кийган қалпоғим,  
 Аму бўйи униб-ўсган тупроғим,  
 Сиз билан биз бир бутоқнинг япроғи,  
 Кўнглим тоза — оқшоми йўқ ёруғ тонг,  
 Мен Абайни эрта билган халқман.

Чингизтоғдан чиққан Абай шеърлари,  
 Кўп янграган қорақалпоқ қирларин.  
 Бердақимнинг қўшиғига қўшилиб,  
 Қулоғимга бирга чертган сирларин.

Қўш ортида ошиқ ўйнаб ёшимда,  
 Тарихдан сал кечикиброқ қолибман.  
 Билим бор деб эсламабман бошида.  
 Улан-сўзга ўзим лекин толибман,  
 Мен Абайни ёддан билган халқман.

Бирга босдик тарих йўлин оғирин,  
 Қанча узоқ йўли бўлса туянинг.  
 «Қорақалпоқлар саҳронинг бош оқини» —  
 Деб айтган-ку улуғ Чўқон жияним.  
 Бахтни излаб бир карвонга юк босиб,  
 Боболарнинг оти чарчаб — толиққан.  
 Дўмбиранга дуторим ҳам ўхшашиб,

Куйлашганда мен қозоққа таниқман,  
Мен Абайни ёддан билган халқман.

Мана бугун бахтга тўлган далаи бу,  
Дашт ўрнида яратилган чаман бу,  
Жаннат деган хаёлдан ҳам гўзалроқ  
Абай оға армон қилган замон бу.

Тилмочсиз англайман қозоқча айтсанг,  
Тубимиз бир — шажарангни қараб ол.  
Сен Абайнинг баъзи сўзин унутсанг,  
Мен айтайин, келиб мендан сўраб ол.

Лойимизни бир тупроқдан қоришган,  
Еш қулунлар чўлда тепишиб ўсган,  
Меҳр сутин бир кўкракдан эмишган,  
Кўнглимиз бир губори йўқ ёруғ тонг,  
Мен Абайни оға тутган халқман.

## СУЛУВ ЭКАН ОЛМАОТА ҚИЗЛАРИ

*Ҳазил*

Олтин баргли, оқ баданли қайинлар,  
Сўнмай туриб иссиқ ёзнинг ҳислари  
Бу сўзимни шовлаб кўкка ёйинлар:  
Гўзал экан Олмаота қизлари!

Шахло кўз, бўта кўз, қўй кўз, қора кўз,  
Бири-бирисидан гўзал — сара кўз,  
Жилмайиб айтганда битта илиқ сўз,  
Эриб кетар Олатовнинг музлари.

Йўлни тўсманг, йигит, сизда йўқ ишим!  
Кўча тўла қиздан тутдим бирисин.  
«Афу эт, қариндош, қизлар рўмолин  
Қайдан олай?» десам пинак бузмади.

Ишга солдим қорақалпоқ тилимни,  
Баъзан билинмаса, баъзан билинди,  
Унлаб тимсол битта сўзга илинди,  
Кўзим кўк рўмолда, кўнглим қиздадир.

«Айт қардош, кўк рўмол олган дўконинг,  
Тез бориб олайн, ўртама жоним,  
Шунақа кўк рўмол эди армоним,  
Айб қилма оғангни айтган сўзларин.

Гулини Кўкчатовдан терганми дейман,  
Сахро қизғалдоғин берганми дейман,  
Ипин Баян сулув ўрганми дейман,  
Абай эмасмикан нақш чизгани?

Кўм-кўк гули Бўрабойнинг кўлидай  
Сарғиш жияк — чўлда пишган сулидай,  
Нафислиги Қурмонғози куйидай,  
Кўнглимда муҳаббат дардин кўзгади».

Кулли қиз: «Шоирга ўхшайсиз, оғой,  
Жамбул кўчасида дўкон бор шундай,  
Очилар экан-да кеннойим кундай»  
Бурилди-ю кетди, гапни чўзмади.

Сой тошиб кетгандай сизмай қирғоққа,  
Бир анқов фил тикилгандай қозиққа,  
Кўнглим олиб қочди ёр юрган ёққа,  
Кўз очсам ўчибди қизнинг излари.

Қарасам, турибман ажаб бир тусда,  
Қайинлар сояси ўйнайди устда,  
Одамлар:— Чиқинг, дер, троллейбусга,—  
Маънодор куларди аммо кўзлари...

Сени жоним десам арзир қозоқ қиз,  
Сенда мўл қозоқча гўзаллик ва ҳис,  
«Кеннойим» дедингу менга ўша кез—  
Ерни ёдга солдинг, ширин сўз пари.

Менинг ёрим Амунинг оқ мароли,  
Насиб қилгай унга шаҳринг рўмоли,  
Қайда юрсам унга тортиб хаёлим  
Унга бошлар мени соғинч гузари.

Азамат қайинлар, гувоҳ бўларсиз,  
Шоирнинг қалби пок, тилидир орсиз,  
Ер севган кўнглимда мангу қоларсиз,  
Олмаота ҳамда унинг қизлари.



## ТУҶАЙГА

Баҳор келди. Келди демак шеърятнинг навбати,  
ишқин, дўстим, чиқ қабрингдан, қизисин шеър суҳбати.

Қуёш қизиб ишқи тушсин татарнинг Тўқайига,  
Кетайлик Қозон орти ё Қирлай тўқайига.

Билганман ул ерни мен ҳам, унда туғилмасам-да,  
Жез тирноқлар кириб юрган тушимга онда-сонда.

Унда ҳамон эртақ сўйлаб қайинлар шивирлашар,  
Япроқ ўзгача шилдираб, шамол ўзгача эсар.

Унда ҳамон жарангловчи хуш овозинг бор сенинг,  
Оз чертилиб, эрта узилган мунгли созинг бор сенинг.

Гўзал татар музасининг маконига бу чоқда  
Созинг ишқида янгидан авлодлар ёғилмоқда.

Топқир қалам аҳллари тавоб этиб сўзингни,  
Кўзига сурма қилар босган ёшлик изингни.

Яна қудратли лиранга қалбида тўлиб ҳавас,  
«Чертсам» деб тирмашгувчи қофиябоз ов эмас.

Сен эсанг-чи! Кўп раҳмат Тўқай бўлганинг учун,  
Қора нон еб, шоирликни оқлай олганинг учун.

Туғишган эл, она тилинг армонларин куйладинг,  
Бешта қўшиқ ёзиб ташлаб, кўкрак кериб юрмадинг.

Туркий забон шеърятин бойитиб олға чоғладиңг,  
Қўшиқнинг қўш қитъасин туташтириб боғладиңг.

Байрон, Лермонтовни Шарққа таңитиб лафз билан,  
Пушкинни сўзлаштирдинг Саъдий ва Ҳофиз билан.

Қозон устида қуёш нур сочиб излар йўлин.  
Мен ҳам келтирдим сенга олис чўлнинг бу гулин.

Қалдирғочлар сайраган бул баҳор чоқларинда,  
Юр қани, сайр этайлик ул Қирлай ёқларинда.

Гул-чечаклар гунча лабга тўлдириб бол келтирсин,  
Ёмон шоирларни пурале<sup>1</sup> қитиқлаб ўлдирсин.

Лаънат айтиб сен яшаган замонанинг жабрина,  
Агар сен гирилар бўлсанг, мен ётайин қабрингга.

---

<sup>1</sup> Ш у р а л е — жез тирноқ. (А. Тўқай поэмасидаги образ.)

## ХУШ КЕЛДИНГ ТУРКМАНИМ, САФО КЕЛИБСАН

Шайдо булбул қўниб тоза гулларга,  
Иқбол мевасини мўл-кўл терибсан.  
Қўрмоқ орзу қилиб бизнинг элларга,  
Хўш келдинг туркманим, сафо келибсан!

Сафар анжомида сарви равонинг,  
Гўрўғлидай гурлаб сурган давронинг,  
Қурбонинг бўлайин, азиз меҳмоним,  
Хуш келдинг туркманим сафо келибсан!

Дўст саломи ширин забон — тиллардан,  
Нортуялар чирланишган чўллардан,  
Қорақумлик, қуш бозорли кўллардан,  
Хуш келдинг туркманим, сафо келибсан!

Атрак, Гурган, баҳри Ҳазар ёқлардан,  
Мурғоб манзилидан, Феруз боғлардан,  
Бўз туманли Болқон, Купет доғлардан,  
Хуш келдинг туркманим, сафо келибсан!

Чопқир жайронлар ҳам орқада қолиб,  
Райхон гулларининг атрини олиб,  
Дийдор кўришмоқни истаб қувониб,  
Хўш келдинг туркманим, сафо келибсан?

Хонлар бизни ёвлаштириб ҳам кўрди,  
Алдаб, гурли йўлга буриб ҳам кўрди,  
Аmmo бузолмади дўст кўнгилларни,  
Азалий қардошим, сафо келибсан!

Боболар ҳам бир яйловда мол боқди,  
Мусо, Суёв бир дуторда тор қоқди,  
Қашта тиксак бирга букдик бармоқни,  
Қамалак нақшлим, сафо келибсан!

Ибройим дер: у ёқ ҳам, бу ёқ бўлиб,  
Бир мақомга дутор ҳам гижжак бўлиб,  
Сен Қамина бўлсанг, мен Бердақ бўлиб,  
Қувноқ саз чалишга сафо келибсан!

Эл ҳосил молига бозор тополмай,  
Тинмай кўчган карвонмисан, несан сен?  
Кўкракда ғам бўлиб сиртга чиқолмай,  
Йиғлаб кетган армонмисан, несан сен?

Селлар қутирмаса Атракда сойдан,  
«Қут қочди» деб ғоз ҳам қочар ул жойдан.  
Чопилмаган қилич, мардга зор майдон  
Сурилмаган давронмисан, несан сен?

Ясмиқ тишлаб, гулёқалар тоқилиб,  
Оқ юзингга қора рўмол ёпилиб  
Айрилиқдан бағринг ўтда ёқилиб,  
Йиғлаб кетган жононмисан, несан сен?

Заргарсиз зармисан, боғбонсиз бўстон,  
Қаламсиз юракка битилган дoston;  
Чўлда Ғариб Шоҳсанамга қовушган,  
Гўзал кўшки айвонмисан, несан сен?

Бир моҳир устанинг тўқиган шолин,  
Сотиб ола билмас дунёнинг моли.  
Вақти келиб ўнгдан эсмай шамоли,  
Соврилмаган хирмонмисан, несан сен?

Етти иқлим калитин зеҳнга солиб,  
Гул япроғин хазон аёзи қориб,  
Жоҳиллик дардига дармон ахтариб.  
Топмай кетган дономисан, несан сен?

Шодмон даврон келиб, гуллаб диёринг,  
Зар заргарин топди, карвон бозорин,  
Янги авлодларга тўлиб гузаринг,  
Чечак отган бўстонамисан, несан сен?

Ибройим дер: чин шоирлик йўлисан,  
Сен одам кўнглининг сўлмас гулисан,  
Қўшиқнинг тангриси Махтумқулисан,  
Эл-ла қайта туғилган сен, чечансен,

## МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ, СЕНИНГ ҚИЗ ВАҚТИНГ...

ТошДУ десам дарҳол тушади эсга  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг.  
Самолётдан тушгач, шошилиб кечда  
Умидвор, ётоғинг эшигин қоқдим.  
Нукусда эканда сен мени кунда.  
Ҳатто соат сайин соғинар эдинг.  
Бу дам сен кўрдингу мени Тошкентда.  
Совуққон жилмайиб «сенмисан», дединг.  
Гулшанда очилган бир тоза гулдек—  
Чиройингга чирой қўшибсан санам.  
Қувончданми қониб ҳузурингда тек—  
Ютиниб, телмуриб турардим мен ҳам.  
Қадам товушлари жим-жит кўчани.  
Сукунати бузар жим-жит кечада.  
Сен ҳам жим... «Айт, нелар ўйлатар сени,  
Эрта қайда кутай, соат нечада?!»  
«Имтиҳон... қўл тегмас... эртага вақт йўқ»—  
Дединг ўйнаб йўғон сочинг ўримин:  
Навой театри халқ билан тўлиқ—  
Сен киргач у бўлди яна кўримли.  
Зар кўйлак чўғ сочиб берар эди зеб—  
Ногоҳ «мени кечир, мазам йўқ», дединг.  
Ва мрамр зинадан сен бир-бир босиб.  
Тушиб кетдинг... Сенга бегона эдим.  
Сўнги «казбегим»ни тутатиб олиб.

Узоқ тентирадим анҳор бўйида.  
Мажнуи тол шохларин сувларга солиб—  
Сочларингни солар эди ўйимга...  
Ҳамон шундай ТошДУ деганим пайтда,  
Хаёлимга келар кўркам, қиз вақтинг.  
Озор бермаслик-чун мен сенга қайта,  
Бел боғлаб, жонимни ўтларга ёқдим.  
Очиқ деразалар имларди «кел» деб—  
Боғлар дерди «қайгу чекма, йигитим».  
Юракни тирнарди «Тановар» йиғлаб—  
Шамоллар изғирди хазонни титиб...

\* \* \*

Энди мен Тошкентга борганда доим,  
Сенга кўринмоққа тиришар эдим.  
Бир куни дуч келдик, ногоҳ мулоим.  
«Ростдан бу сенмисан, сенмисан», дединг.  
Айни илк саҳарда очилган гулдек —  
Очилиб кийибсан, очилиб, гулим!  
Ҳиндунинг ортидан эргашган филдек—  
Сен томон элтади ҳамиша йўлим.  
Товусдай товланган ўзбек қизлари,  
Дастурхон ёзарлар, тутарлар ҳам жом.  
Оҳ, туғишганингдай забони ширин—  
Студентлик, сенга олқиш, эҳтиром.  
ТошДУ — билим боғи, ёшлар гуруҳи—  
Ўт ёнган дилларнинг топилма бахти.  
Минг-минг йигит-қизнинг у шавқ, шукуҳи.  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг.



Чайир қўлларни унсиз кўкка чўзган—  
 Элдан четда кимлар ул, қайси ботир?  
 Ҳеч ким эмас, ул мозий саксовуллар,  
 Поёни йўқ далани қоплаб ётур.  
 Бағрида ўти бордир тошқўмирдай.  
 Юз-кўзларин чанг босиб ёш кўринмай.  
 Ўз даласин ёвлардан қўриқлаган—  
 Қадимги массагетнинг лашкаридай.  
 Курашар олов сели, жабр билан—  
 Йиқилса иши бўлмас қабр билан.  
 Ёрмай ўтган булутларга ўчакнишиб—  
 Туядай чидаб берар сабр билан.  
 Бўронлар келиб уни юлқилаган—  
 Аммо қўрқмас у ҳеч бир гулгуладан—  
 Артезиан излаган қазувчидай —  
 Томири билан чўл тўшин бурғилаган.  
 Сахро, қуюнга кўкрак кериб чидар,  
 Билмас машаққатлардан сесканувни.  
 Салмоғи мисоли фил суягидай—  
 Севаман чўл фарзанди — саксовулни.  
 Уругни ер танламай униши чин.  
 Майли бошидан қору довул ўтар.  
 Ёнса ҳам текин ёнмай одам учун.  
 Бағридаги бор ўтни бериб кетар.

Қиш кунда қор гуллар, ёрим сен юрган ерда.  
 Уфор ҳид сочар еллар ёрим сен юрган ерда.  
 Бўстон бўлади чўллар ёрим сен юрган ерда.  
 Хониш қилар булбуллар ёрим сен юрган ерда.  
 Қадамнингга қойил ер, ёрим сен юрган ерда.

Арғумоғин қамчилаб Аму оқар уриб жўш—  
 Солланиб боришингдан тонг ели ҳам маст, сархуш,  
 Қирғоқдасан сувдаги аксинг бир жаҳон балқиш—  
 Хивичдай қоматингу ақлингга ўқиб олқиш—  
 Ошиқлар сони мингдир, ёрим сен юрган ерда.

Қадам боссанг қимтиниб, қор эрир сув бўлгали—  
 Баҳор нағмасин чалиб, гуруллар сой тўлгали—  
 Қирғоқни майса қоплар, чиқар теракнинг боли—  
 Кўл устида бошланар қушларнинг фестивали—  
 Тоғда шунқор қуш тўлар ёрим сен юрган ерда.

Кўрсанг «таърифин айт», деб тунлар ялинар тонгга,  
 «Гул юзига қўнма», деб шабнам тайинлар чангга.  
 Ниначилар уймалаб, каккулар чақирганда—  
 Атлас ранг капалаклар шодон базм қурганда—  
 Боларилар йиғар бол, ёрим сен юрган ерда.

Баҳор айёми сенсан, хумор кўзим кел бери,  
Гул, гунчани уйғотсин енгил, хуш қадамларинг—  
Сен десам қайғуларим, кулфатим кетар нари.  
Урик гулларин сочар қорақалпоқ ерлари—  
Шодлик баҳори кулар ёрим сен юрган ерда.

## ШҮРЧА<sup>1</sup>

### Сонетлар

Хафа бўлсанг, оқин сувни ёқала,  
Тошиб кетсанг, қабристонни орала.  
*Мақол*

#### 1

Борлиқ ва йўқликнинг чегараси бул,  
Шу ерга етганда изларинг ўчар,  
«Менсиз дунё йўқ» деб кўпирган кўнгли  
Бу оламни кўриб ҳовурдан тушар.

Бунда кулгу ўчар ғунча лаблардан,  
Кўзга ёш югурар, лол қолар ақл.  
Дўстинг сенсиз уйга қайтар бу ердан,  
Е сен қайтганинда эргашолмас ул.

Ажал сиртмогидан ҳеч ким қутулмас,  
Ҳисобдан адашмас, шафқатни билмас.  
Аммо, у қанчалик этмасин амр.

Тириклик ўлимнинг айтганин қилмас:  
Яшасин курашчан, чарчамас умр,  
Бир шох синса, минги кўкармай қолмас.

#### 2

Юз эликка чиққан бир чолни кўрдим,  
«Қандай бахтли-я», деб фараз этдим мен.

---

<sup>1</sup> Шўрча — Нукус яқинидаги қабристон

Излаб бориб топдим ҳам салом бердим  
Ва сўнг хаёлларга чўмиб кетдим мен.

Бешда экан Вердах туғилган йили,  
Ўзи уч кампирнинг бошига етган.  
Тарас Орол томон қувилган йили  
Учта ўғил кўриб, хизмат ҳам этган

Учовлон ўғлон ҳам ўлгандир бироқ,  
Замондош, дўст-ёрон кетдилар йироқ.  
Ўзгарди авлодлар, ўзгарди замон.  
Хўмрайиб боқар у чинорга шу чоқ,  
Кекса чнор турар қурт еган нолон:  
«Гувлаган эдим-ов бир пайт мен ҳам, оҳ!»

### 3

«У қайта тирилиб келса эди, о,  
Кирик бўлар эдим унинг кўзига.  
Кўрмаган иззатин кўргазиб, ҳатто  
Гард ҳам қўндирмасдим тоза юзига.

Кечиккан солдатдай кириб келган дам  
Мен уни ёридай қучар эдим-ку».  
Шундай дер одамни кўмаркан одам,  
Аслида беҳуда ўқиниш-ку бу.

«Қора хат»дан кейин солдат келган чоқ  
Ҳатто ёт кўринар. Тирилса марҳум  
Ендаша олмайсан, суймоқ-ку суймоқ.

Оққан сув ортига қайтмагай бир зум.  
Ўқиниб юргандан бир-биримизга  
Ардоқлай билайлик тиригимизда.

Ажал сиртмогидан қутулиб бўлмас,  
 Уни ўйлаб қўрқма, қўрқ сен ўкинчдан:  
 Сени сўнгги йўлга узатган одам,  
 Қўзига олмаса бир қатра ҳам ёш.

Ўлимнинг дард солмаса бирор кўнгилга,  
 Йўқламаса сенинг ўрнингни умр.  
 «Бул ҳам ўтиб кетди, бир йўл ҳайтовур»,—  
 Деб ўйласа қўйиб туриб қабрга;

Давраларда эсга тушсанг бирор кун,  
 Исминг тирилмаса мисоли бир гул,  
 Яхшинг олинмаса тилга шу кезда;

Тушига кирганигда чўчиб тушар бир —  
 Бир дўст, бир душманинг қолмаса изда,  
 Демак сурмагансан арзирли умр.

## ШОИР ГУНОҲИ

Олар эди шоир дам  
Мовий денгиз бўйида.  
Бўшамади хаёлдан,  
Хат ёзмади уйига.

Брезент кат устида  
Етар эди чўзилиб.  
Тўлқинларнинг ҳуснига  
Боқар эди сузилиб.

Уйга қайтди-ю кейин,  
Илҳомини қилиб жам,  
Эшикни қулфлаб секин,  
Қўлига олди қалам...

«О, Тамара, сарвиноз,  
Юр, овлоққа кетайлик.  
Соҳилни кезиб бир оз,  
Қайиқда сайр этайлик.

Енгинамда ўлтирсанг,  
Эшкак эшиб толмайман.  
Ҳироққа кетсанг аттанг,  
Қувиб ета олмайман.

Мен борман-ку қайиқда,  
Сувга боқиб нетасан?  
Ерим, олтин балиқдай  
Мунча олис кетасан?

Ота-бобонг ё аканг  
Денгизчими, юлдузим?  
Е сув парисимисан?  
Қимпи севдим мен ўзим?

Сенсиз сузмоқ завқи йўқ,  
Юр, соҳилга чиқайлик.  
Севмакнинг ҳеч айби йўқ,  
Хоҳласанг — бўлгин қайлиқ».

Йўқ сулуви — йўқ қизни  
Шоир шундай куйлади.  
«Топдик янги юлдузни»  
Деб танқидчи увлади.

Лекин, юлдуз зотининг  
Қуйруғи ҳам бўлади.  
Шеърни ўқиб хотини,  
Шоирни хўп «элади».

«Чарчадим, деб, курортни  
Ҳар йил этмайсан канда,  
Алдаганинг мен «ғўр»ни  
Шу қиз учун экан-да!

Ўртоқларим дер эди:  
— Шоирлар бўлар чатоқ!  
Бош урай қайга энди,  
Сени севган мен — аҳмоқ?



Гул деб менга тутганинг  
Қўш гул эмас — қўш тикан,  
Қалб деб туҳфа этганинг  
Муштдайгина гўшт экан.

Еки узиб ёқангни,  
Тутқизайми қўлингга?  
Унут бола-чақангни,  
Жўна келган йўлингга!

Энди ҳавас қилмайин  
Асло шоир зотини...»  
Шоирни шундан кейин  
Судга берди хотини.

Судга қатнар энди у,  
Бағри — дили тилиниб.  
Қўз ёш тўкар у дув-дув,  
«Ажратманг» дер ялиниб.

Суд айтар: «Соҳиб жамол!  
Ҳаёт бошқа, бошқа — шеър,  
Даъвойингни қўя қол,  
Муросага келгин» дер,

«Хаёлидан чиқариб,  
Лермонтов ҳам, Байрон ҳам  
Денгиз бўйига бориб  
Бундай шеърни кўп ёзган.

Шоирингни алдабди  
Илҳом париси фақат.  
Ишонмасанг башарти,  
Мана, айтсин адвокат!»

Судья кулиб мийиқда,  
Адвокатга қаради.  
«Ҳамма нарса аниқ-да!»  
Деб у сочин таради:

«Хўш, фактларни тингланг» деб,  
Кўзойнагин тузатди.  
Эр бўйнига ташлаб ип,  
Аёлга қўл узатди:

«Адабиёт, бу — узун  
Ҳаётимиз аксидир.  
Бу фикрнинг иллизин  
Белинскийдан қидир.

Иккинчидан, бу асар  
Журналда ҳам босилган.  
Ишонмасангиз агар,  
Автори ҳам ёзилган.

Қолаверса, бу йигит  
Айбсиз бўлса агарда,  
Нечун севган уйига  
Хат ёзмаган бир марта?

Ва ҳоказо!.. Инчунин!..  
Ҳаром ичган тузингиз!..  
Кейин нима бўлганин  
Тўқиб олинг ўзингиз.

Емғир ёғмай ҳўл бўлган  
Дўстимга дил ачишар.  
Шундан бери ичимдан  
Тўқиб ёзмайман асар.

Энди нимаки ёзсам,  
Бўлган ишни ёзаман.  
Қаламдошим кўрган дарс  
Сабоқ бўлди менга ҳам.

## ОНА ТИЛИМГА

Жиров сени пойга отдай болаган,  
Ҳакамлар довда обдан сени тоблаган,  
Алломишлар шиор қилган жангаро  
Бердақ сени қурол этиб солаган.

Бойтераксан — ўсган кўҳна томирдан,  
Нотиқлигинг қил суғурган хамирдан,  
Қорақалпоқ кўнгил қуши сайраса  
Сўз дурлари хазинагдан топилган.

Нақлларинг чақиб кўрсам мағиздан,  
Айтишувсан зеҳн сувин оқизган,  
Отам сенга азаматлик руҳ бериб,  
Онам сенга меҳр сутин томизган.

Соддалик-ла сен айтурсан рост сўзинг,  
Саҳройисан дўриллайди овозинг.  
Елгон сўзлаб ёқишликни билмайсан  
Шивирласанг ҳуркиб қочар кўл ғози...

Мен тенглайман сени тузу номинга  
Ўғуз билан руҳинг сингган қонинга,  
Ҳеч бир тилни ётсирашни билмайман,  
Бироқ сен энг яқиндирсан жонинга.

Созга қўшсам ҳаволайди оласор,  
Тимсол ила сулувлигинг ярашар.  
Қандай яхши оға-ининг кўплиги!  
«Яқинмиз» деб сенга кўп тил талашар.

Бўлмасанг-да номи кетган улгили,<sup>1</sup>  
Сен саҳронинг заъфарон юз булбули.  
Хонлар сени қўшмаса-да қаторга  
Ленин сени ёдга олган тил билиб.

Толлар сендай гувлаган вақтин кўрдим,  
Сенда чўл шамолин ҳиддатин кўрдим.  
Қора уйда Пушкин билан Бердақнинг  
Қорақалпоқ тилда суҳбатин кўрдим.

Она тилим — сен, бошқадан айирмам,  
Сен турганда мен ҳам ажаб шоирман.  
Шунча қаттол сургунларда сурулмай  
Шу кунларга етганингга қойилман.

---

<sup>1</sup> Намунали.

Насибанг оқ бўлсин қишки даладай,  
 Қизил тулки ағнар азонги қорда.  
 Аёзнинг шиддати акс этар нурда,  
 Қўнглинг той чоптириб чиққан боладай...

Қўнглинг иссиқ бўлсин ёзги даладай,  
 Орзу денгизндай сароб милтиллар.  
 Жонинг сув истайди, сояни тилар.  
 Тун — роҳат. Юлдузлар ажиб порлагай.

Ҳаётинг яйрасин баҳорги даладай,  
 Қора сел ва тоғдан сой қулар — ҳалак,  
 Булутлар ортида рангин камалак,  
 Инсон орзулари гуллар лоладай.

Ақлинг комил бўлсин кузги даладай,  
 Янтоқ донлар, ҳаво мумдай тиниқар,  
 Қўнглинг аллақимни истаб зориқар  
 Тепангда чириллаб сайрайди тўрғай...

## АМУДАРЁНИНГ ҚИЗЛАРИ

Ишга чевар, гапга чечан,  
Ойдан гўзалдир юзлари.  
Бу гўзаллар кимлар экан?  
Амударёнинг қизлари!

Кийганлари хонатласдан,  
Боғ очганлар баланд, пастдан,  
Халқ ишига бел боғлашган—  
Амударёнинг қизлари.

Минган оти пўлат тулпор.  
Техникага кўп харидор,  
Ишлар ери кенг пахтазор—  
Амударёнинг қизлари.

Тоғ бошида тўда жайрон,  
Ҳуснин кўриб бўлдим ҳайрон.  
Билсам донғи кетган ҳарён —  
Амударёнинг қизлари.

Қаҳрамон бу юрда Ойим,  
Тоғлар юрти ўсган жойи,  
Қорақалпоқ Турсунойи —  
Амударёнинг қизлари.

Юрган йўли ёруғ кундуз,  
Оқ олтинга бўлиқдир куз.  
Орденлари тўп-тўп юлдуз—  
Амударёнинг қизлари.



Тинмай ёмғир ёғар Пярну йўлида,  
Урмон кўк либосин силкитар нечун.  
Қовоқ уйган шимол кўнгилсиз бугун,  
Тинмай ёмғир ёғар Пярну йўлида.

Қанийди Мамайнинг яйдоқ чўлида  
От чопсанг чаңгитиб-чаңгитиб хушқол.  
Аттанг, телеграмма титрар қўлимда,  
Синган бир оқ каптар қаноти мисол.

Тавба! Қим ўйлабди бундан олдинроқ  
Сени бунча эрта, бевақт ўлар деб.  
Мен ҳам англамабман: сен ўлиб бу чоқ,  
Олисда кўзимдан ёшим келар деб.

Нотаниш йўл. Борар машина сузиб,  
Кўз юмиб бораман. Бир сен кўнглимда.  
Ўйлайман хаёлда суратинг чизиб,  
Тинмай ёмғир ёғар Пярну йўлида

Табиат ҳунарманд, қудратлидир ул:  
Одамнинг, шоирнинг озми хиллари!

\* Пярну — Эстониядаги бир шаҳар.

Дастхатинг, қўлэзманг ўқимоқ мушкул,  
Қийналиб ўқирдик гоҳ маҳаллари.

«У энди йўқ» деган бир туйғу эзар,  
Отнинг ягирига ботгандай эгар.  
Тўлқинлар ўкириб сапчир сарбасар,  
Қиргоқда миқ этмай қоя тош ётар.

Сен шундай нор эдинг, тенгинг йўқ эди,  
Тенг эдинг кагтадан кичикка қадар.  
Аччиқ тил ва текни оғизлар энди  
Сендан ўзга кимга нишгарин қадар!

Биз гўё ҳаммамиз доно, оқиллар,  
Ким бизни мақтаса, у ҳам донороқ.  
Қофия бўлмай юрган феъллар  
Энди кетар дейман сенсиз бебошбоқ\*.

Шеърингга самимий илиқ сўз айтган  
Бир одам сўкса ҳам сен қойил эдинг.  
Чиндан ҳам сен ажиб бир шоир эдинг,  
Сўқмогинг бор эди ўзинг яратган.

Энди шеър ўқишар вақтни қизганмай  
Регламент ёқтирмас баъзи чеварлар.  
Забардаст вужудинг кўтара олмай  
Энди қисирламас ёғоч минбарлар.

Юртга не етмайди? Дунёда зал кенг,  
Билетлик одамлар ўнгу сўлимда,  
Бу залда ўрнинг бўш. Йўқсан энди сен...  
Тинмай ёмгир ёгар Пярун йўлида.

---

\* Хўжамурод шеърга феъл қофияни кўнда йўлатмас эди (И. Ю.)

Ҳей ёш ўғлон, насиҳатим бор:  
Шуҳратпараст бўлмагин асло.  
Шуҳратпараст бўлсанг мабодо,  
Сендан яхши от қолмас зинҳор.  
Талант, ақл, илҳом ва меҳнат  
Чўнг мақсадга бўлса сафарбар,  
Ўз-ўзидан келиб донг, ҳурмат,  
Топар четда турсанг ҳам агар.  
Бироқ шоир бўлиб қолдинг-да,  
Вазифа деб оғир иш олдинг.  
Юртдан мақтов тама қилдинг-да,  
Эл ичида кулгуга қолдинг.  
«Келтир менга гулингни, халқим,  
Мен шоирман», демоқчисан сан.  
Навойнинг сўзимас, шонинг  
Мажнун бўлиб изламоқчисан.

Шуҳратпараст бўлмоқдан уял,  
Нега керак қанотсиз хаёл!  
Ундан кўра баҳор келганда  
Йўл бўйига ўтқаз бир ниҳол.  
Йиллар ўтар, сада бўй тутар,  
Соя берар чарчаганларга.  
Талай авлод бу ердан ўтар,

Белги бўлар адашганларга.  
Кўпни кўрган йўловчи туриб,  
Уйга толар бунда бир куни.  
«Раҳмат буни экканга» дерлар,  
Узоқ йиллар ёд этиб сени...

Ҳей, ёш ўғлон, менга бир қара,  
Бундан афзал донг борми сира?  
Шуҳратпараст бўлмоқдан уял,  
Кимга даркор қанотсиз хаёл!

Миллион аср бу кенг оламда  
 Миллион юлдуз сўнса ҳар оқшом,  
 Менинг нурли галактикамда  
 Бир юлдуз бор, сўнмагай мудом,  
 Миллион қавму миллион авлодлар  
 Езмай танир ва ошиқ унга,  
 Миллион Лайли, миллион Фарҳодлар  
 Қўлини чўзар талашиб унга.  
 Ақлу юрак учқур кemasин  
 Миллион хавфли тўлқинга солса,  
 Шекспирлар, Ҳофиз, Гейнелар  
 Шу юлдуздан йўл сўрар роса.

Миллион йилнинг ақли қийнаган  
 Фазодаги номаълумликка,  
 Юрийлару Валентиналар  
 Отланганда у юлдуз кўкда.  
 Миллион тошлик масофалардан,  
 Уларга нур, ҳарорат бериб,  
 Омон сақлаб кўп балолардан,  
 Турди илҳом ва қувват бериб.  
 Миллион-миллион юлдуз жимирлаб,  
 Минг турланиб киприк қоқса ҳам,  
 У алдамас, аврамас имлаб,  
 Йўлларингни айламас мубҳам.

Адаштирамай кемами менинг,  
Миллион-миллион соҳил ичидан.  
Сени топиб бергани учун  
Юлдузимдан розиман чиндан.

Доимо иш тутиб пролетар билан,  
Маркс қуролланди зўр қурол билан.  
«Қўшимча қиймат»нинг қулфини бузиб,  
Урди капитални «Капитал» билан.

\* \* \*

Фазога учсам, ерда юртдан бурун соғинар  
эдинг,  
Гар сен туғмаганингда мен нима қилар эдим?  
«Яратганинг ким?»— деб мендан сўрар  
бўлсалар агар,  
О, қудратли онам! Сенга топинар эдим.

\* \* \*

Кўчани тўлдириб одамлар борар,  
Барчасин назари бир сенга қарар.  
Билмадим мен каби тўлганиб ҳозир  
Ким сени ўйларкан саҳарга қадар?

\* \* \*

Шеъринг кўзсиз чиқса юрагинг сўқир,  
Ақлингдан чиққанни ақллар тўқир.

Уйқуни қувмасанг ёзган чоғингда,  
Одамлар шеърингни кўз йириб ўқир.

\* \* \*

Шоирлик азалдан унга ёт бўлди,  
Сўнг бу касб осонроқ бир одат бўлди.  
Дуч келган шоирга тақлид қилганча,  
Охир шеър ўгриси — плагиат бўлди.

\* \* \*

Баъзи шоир иши нақадар уят,  
Еввойи сўзлардан тайёрлар овқат,  
Кўчадан тўрт сатр сафсата топиб,  
Атайди «рубойи», яъни—шеърят.

\* \* \*

Шумликни ўйласа доим аҳмоқ ҳам,  
Куч топар донони уриб йиқмоқда.  
Бору йўқ ақлини аҳмоқ доимо  
Йўллайди фақат бир эгри сўқмоққа.

\* \* \*

Лоқал бир кунга тинса агарда,  
Амударёни ҳам босарди лойқа.  
Шоир ўз ишидан қонса агарда,  
Дарёдай тинарди тўлгандай лойга.



• • •

Шоир эканингни унутсанг агар,  
Бу ёмон иш эмас, халқинг унутмас.  
Одам эканингни унутсанг агар,  
Шоирман деб юртни алдамагин, бас.

• • •

Ошиб-тошмоқ фақат сувга даҳлдор,  
Кеккаймагин бошқаларни паст билиб,  
Ўсган сайин тут ўзингни хокисор,  
Мева берган дарахт турар эгилиб.

• • •

Мақтанчоқлик — тубанликдан далолат,  
Суюксиз тил — мақтанчоққа ҳимоят.  
Тинглаб кўрсанг, ундан катта инсон йўқ,  
Англаб кўрсанг, ундан катта нодон йўқ.

• • •

Ракеталар бу — фурсатнинг суръати,  
Давр шонин фазога ҳам ёйолган.  
«Спутник», бу — янги замон лугати,  
Пайдо бўлиб, барча тилдан жой олган.

\* \* \*

Бир тукдан соч бўлмас бир гуручдан ош,  
Бир тупдан боғ бўлмас, тоғ эмас бир тош.  
Мукаммал тузилган сенда вужуд ҳам  
Барча мучалларинг бўлиб жамулжам.

\* \* \*

Она киприк бўлса, фарзанд кўзидир,  
Фарзанд — каптар, она — зар гумбазидир.  
«Онамни ҳақини тўлиқ ўтадим»,  
Деган гап фарзанднинг қуруқ сўзидир.

\* \* \*

Булбулнинг азалий касби — сайрамоқ,  
Навоси бир хилдир, бунда бор жумбоқ.  
Куйимни бир марта қайтарсам мен ҳам,  
Юрт кулар, о, булбул, ҳайронман ҳар чоқ.

\* \* \*

Ариқдан сув оқиб ўтди шилдираб,  
Отқулоқлар миш-миш айтди бидирлаб.  
Югурик ўргимчак тўхтаб дедики:  
«Ким сизни ўстирди? Кўрингиз ўйлаб».

\* \* \*

Бировлар қартайиб қолар ёш чоғда,  
Гуллар бор, қариб ҳам сўлмас ҳеч қачон.  
Табиат қонуни — қартаяр гавда,  
Ёш бўлиб юрагинг қартайса ёмон.

\* \* \*

Ёнгинамдан қизил кўйлак ўтганди,  
Шамолидан ёш жонгинам сесканди.  
Астагина сийпаб ўтган шамолдан  
Уша замон дилда бўрон эсганди.

\* \* \*

Мен — дурагай, қадим тупдан кўкарган,  
Пушкин билан Навоийнинг шонидан.  
Мен — тоза қон, соф юракда кўпирган,  
Мен — Бердақнинг битта томчи қониман.

Келдинг — кетдинг, гўё баҳорнинг қори,  
 Ажалга ҳеч нарса асло эм бўлмас.  
 Авжида узилди дуторнинг тори,  
 Этак кесган билан энди енг бўлмас.

Жарангги ўзгача ажаб соз эдинг,  
 Қўлларга ярашган Қуба гоз<sup>1</sup> эдинг,  
 Кўрганлар «оҳ» чеккан орув<sup>2</sup> қиз эдинг,  
 Сени олган билан дунё кенг бўлмас.

Онаниг шундан бери чекади афгон,  
 Сенга ўхшасин дер кўз ёрса ҳамон.  
 Яшар бу дунёда яхшию ёмон,  
 Ҳар ким «ўзи» бўлар, аммо «сен» бўлмас.

---

<sup>1</sup> Қ у б а г о з — гознинг бир тури.

<sup>2</sup> О р у в — гўзал.

## ЛИВАДИЯ ҲАҚИДА ТҮРТЛИКЛАР.

Ливадия саройи бунча салқин,  
Эшигининг тутқичи сариқ олтин.  
Шоҳ эснарди бу ерда апельсин еб,  
Зор бўлганда бир куюк нонга халқим.

Оқ саройнинг олдида икки чинор,  
Учига кўз ташласанг — кўзинг тинар.  
Юқорига анграйма, шоир бола,  
Излаган барча нарсанг ерда унар.

Ливадия богида ўсар каштан,  
Меваси қаттиқ экан қора тошдан.  
Шундай бефойда мева бўлар пайдо  
Беҳуда меҳнат қилсанг аввал бошдан.

Табиатдир, кулол беқиёс,  
Ўз касбига қўйиб меҳр, ихлос.  
Қампиридан яшириб туриб,  
Гўзалларни яратармиш, рост.

Ўз ижодин кўркидан эриб,  
Шайдо бўлиб ўт рухсорига,  
Шундан кейин унга жон бериб,  
Йўллар эмиш ҳусн бозорига.

Жайрон юриш, жилва-ноз билан  
Солланишиб чиқар сулувлар.  
Игна киприк, шаҳло кўз билан  
Эркак қалбин овлайди улар.

Бозорчи юрт ташлаб савдосин  
Оқар ҳусн дўкони сари.  
Савдоларга солиб соғ бошин,  
Ёнар йигит зотининг бари.

Олтин узук буюрган янга—  
Сўзларин унутиб оғайлар,  
Юз граммни отиб «свой»лар  
Бир литрли гаш берар санга.

Кексаларнинг ёшлиги тутиб,  
Кампирига «кет!» деб қутурар.  
Қондани шофер унутиб,  
ГАИга бориб ўзи тутлар.

Амалдорлар билмасга олиб,  
Пинҳон тутиб кўнгил ҳавасин,  
Тузоқ қўйиб назарин солиб,  
Давлатлилар сочар дунёсин.

Пул асраган профессор ҳам  
Ишга солар омонат кассасин.  
Дон-жуанлар изғиб беором,  
Сайлашади қалам қошлисин.

Эсиз Ғариб ошиқлар чиқиб,  
Банда бўлар Санам йўлига.  
Фарҳод тоғда тошларни йиқиб,  
Анҳор очар Ширин элига.

Ромеолар аямай жонин,  
Мажнун кетар чўлга улоқиб.  
Баҳром йўқлаб ўз Гуландомин,  
Кетар тахтин тарк этиб, ёқиб.

Табиат-чи, буларни кўриб,  
Ҳусн олдида ўртаниб лов-лов,  
Ошиқ бўлиб, мўм каби эриб,  
Енар эмиш унсиз беаёв.

Шунда унинг ичдаги ҳоври  
Сиртга чиқиб, ушалиб орзу,  
Шоирларнинг ажаб товури  
Йиглаб туриб яратармиш у.

Мард шоирлар созлаб лирасин,  
Сулувларни куйга солармиш.  
Табиат-чи, эғиб оқ бошин,  
Бу қўшиқдан лаззат олармиш..

О, сулувлар! Сиз-ла биз шерик,  
Лойимиз ҳам кўчган бир ердан:  
Сулувликни сизларга бериб,  
Шоирликни бизларга берган.





ТҮМАРИС

ДОСТОН



«...Сен ялмоғизнинг қонсираган кўзларингни қонга тўйғизмасам, мени массагетларнинг Қуёш худоси урсин». (Тўмариснинг подшо Қирга айтгани). *Геродот. Тарихнома. 1 жилд, 214-саҳифа.*

«Массагетлар Қир билан бўлган ана шу қирғин урушда зўр мардлик кўрсатди». *Страбон. География, XI, 8.*

«Аёл шнор бўлгач ўшанда». *Бердақ. Шажара.*

О, Тўмарис, азиз онажон,  
Эгилибди бошгинанг қуйи.  
Фарзандингнинг ҳажрида нолон  
Юрак-бағринг қон бўлди куйиб.  
Тилла жиғонг эгма, малика,  
Сиринг бериб қўймагил ночор.

---

<sup>1</sup> Массагетлар — бундан икки ярим минг йиллар аввал Окс (Аму) ва Яксарт (Сир) дарёлари ораллиғида яшаган қабилаларнинг номидир. Шу икки дарёнинг Экспана (Орол) денгизига қуйиладиган ботқоқли қуйи оқим ноҳасида яшаган ўша массагетларни тарих фани қорақалпоқларнинг боболари деб танийди. Массагетларнинг мард аёл подшоси Тўмарис ҳақида, эрон босқинчилиғига қарши урушда массагетлар кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида «тарих фанининг отаси» Геродот ҳам, ундан кейин яшаган бошқа авторлар ҳам қизиқ-қизиқ маълумотлар ёзиб қолдиришган. Қир — ўша даврда Эрон подшолиғи довруғини ёйган жаҳонгир шоҳ, Шарқ ривоятларида уни «Подшоҳи Кайхисрав» деб ҳам атайдилар.

Қимни енгса кулфат, таҳлика,  
Массагетлар ёқтирмас зинҳор.  
Ҳайҳот, умид отинг эгасиз  
Ва эгарсиз қайтди. На чора!  
Номусини юва олди тез  
Ўз қони-ла бола бечора.  
Бошни кўтар! Эркакларга ҳам  
Ғолиб келган кучингни кўрсат!  
Шер қалбинни юлиб еган ҳам  
Туғён урган ўчингни кўрсат!  
Қаттол ёвнинг бош суягидан  
Қоса ясаб қимиз ичган мард,  
Сен эмасми, кейин ёвидан  
Қасос олиб, майдон кечган мард!  
Олқор шохли ой ўроғида  
Сени кўриб кимлар куймаган,  
Ўғуз суви<sup>1</sup> тик қирғоғида  
Кучингга ким меҳр қўймаган!  
Зар совкилинг кийгил, малика,  
Сиринг бериб қўймагил зинҳор.  
Қимни енгса кулфат, таҳлика,  
Массагетлар ёқтирмас зинҳор.

2

Ўтирибди Тўмарис унсиз,  
Қалин сочи елкага ёйиқ.  
Оқ ўтов ҳам мудрар тутунсиз.  
Ўтирганлар мутедир, босиқ,  
Ўчоқдаги қоқ саксовулнинг  
Милт-милт ёнган чўғи сўнади.  
Фарзанд доғи рамгин кўнгилнинг

---

<sup>1</sup> Ўғуз — (Окс, Оксус) — Амударёнинг қули ирмоқларидаги бири.

Туб-тубида чўгдай ёнади.  
Кесик қулоқ навкар ўтовдан  
Чиқиб кетди аллақаяққа.  
Қуйилганди мўмдай — у ёвдан  
Келтирган шум хабар қулоққа.  
У дедик, «Маликам, бу гал  
Бизга Қуёш ўзи бўлди ёв...  
Ёвни қувиб бордик у маҳал,  
Душман қочган ерда ногаҳон  
Биз мўъжиза кўрдик: тап-тайёр  
Турар эди тўкин дастурхон.  
Отларимиз тўхтади қатор,  
Тап-тап тушиб, мўъжиза дедик:  
Мешлар тўла антиқа шароб.  
Тўйиб ичдик, тўйиб гўшт едик,  
Қўнгил озди,

босди вазмин хоб,  
Тикка туриб, мадордан кетдик,  
Шундай қилди ёв бизни хароб...  
Кечга томон ҳушёр тортганда,  
Ётар эдик оёқ-қўл боғлиқ.  
Шундай бўлдик ёвга шарманда,  
Бу аламдан қалбимиз доғлиқ.  
Кўк чодирда тахтиравонда  
Ўтирарди шоҳ қаҳ-қаҳ кулиб.  
Базм қизирди катта майдонда,  
Биз ётардик тириклай ўлиб.  
Шунда бирдан тиклаб бўйини,  
Турди боланг ёниб. кўзлари.  
— Табриклайман, подшо, тўйингни.  
Тингла, бордир айтар сўзларим.  
Қўлларимни бўшаттир, бир оз  
Яйраб олай, ростлай ўзимни.  
Сенга фойда ахир, айтсам роз,  
Хушинг бўлса тингла сўзимни.

Шундай деди тутқин фарзандинг.  
(Хаёлимга келган таҳмин шу:  
Тирик сичқон афзал деган  
Арслоннинг ўлигидан у...)

Бу гап бўлди шоҳнинг хаёли,  
Туриб қолди қўлида шароб.  
Аста силаб малла соқолин,  
Фарзандингга у қилди хитоб:  
— Она — ботир туғар, бия—от,  
Мардлингни кўрсатдинг, ўғлон.  
Мардга борман, у бўлса ҳам ёт,  
Менга қулоқ бергин, паҳлавон!  
Отанг ғолиб подшо бўлган,  
Енгилмаган ҳеч қачон ёвдан,  
Тупроғига ҳеч йўлатмаган,  
Донг таратиб кетди дунёдан.  
Онанг — соҳибжамол Тўмарис  
Подшоликка жуда муносиб.  
Этмак истар Суғдийён ворис,  
Хоразм ҳам бўлса дер насиб.  
Асов кийик овчини кўрса,  
Асқар тоғни пана этади.  
Агар бургут чўққига қўнса,  
Қанотига умид тутлади.  
Улуғ тангри Авхра—Мазда<sup>1</sup>  
Менга берди аркони давлат,  
Елдан тезроқ далаю-тузда  
Қанча қўшин, шамширу шавкат.  
Қайга кетди, парфи, дербеклар,  
Бактр, мадён сақлаган кеклар?  
Энди қара: етти иқлим ҳам  
Менга қуллик қилар — боши ҳам,

---

<sup>1</sup> А х у р а-Мазда — эронийларнинг қадим тангриларидан бири.

Омонликда яшаш — ганимат,  
 Қайсар онанг тушунса шуни,  
 Ақл билан бўлиб у улфат,  
 Ҳукмдор деб таниса мени,  
 У тақдирда Эрон шоҳининг  
 Паноҳида яшарди элинг,  
 Эшигини бўз ўтовининг  
 Очар эди фақат чўл ели.  
 Бироқ, бундай бўлмади. Онанг—  
 Қайсарлиги бошига етди.  
 Қўшинининг учдан бирин жанг—  
 Кўрмай, гафлат қурбони этди.  
 Хотин бийлик қилган эл бебош,  
 Мана, сизда кўриб турибмиз.  
 Массagetда, наҳот, юртга бош—  
 Бўладиган эркак йўқ, эссиз?!  
 Ҳоким бўлиб юртингни сўров—  
 Онанг эмас, сенинг бурчингдир.  
 Шундай дея, подшо Қайхисрав  
 Фармон берди — қўли ечилди.  
 — Шоҳ, сен билиб бу ишни қилдинг,  
 Эл эслайди вақт ўтган сайин.  
 Энди сенга массagetларнинг  
 Қўшигини айтиб берайин:  
 «Йўлбарсни от ўрнида  
 Арқонлаб қўшиб бўлмас,  
 Оғзинг қонга тўлса-да,  
 Ев олдида тўкиб бўлмас.  
 Кийикни асраш мушкул,  
 Чўлини қўмсаб ўлар.  
 Бош адашса, ўнгла қўл,  
 Е бўйин жазо олар»—  
 Шундай дея анқов навкарнинг  
 Ханжарини тортиб олди-да,  
 Ўз қалбига ўша ханжарни

Санчди ўглинг шоҳнинг олдида...  
Қуёш қизи — гўзал маликам,  
Ботир ўглинг шундай берди жон.  
Кошки эди у каби мен ҳам  
Фидо бўлсам — бу ширин армон!  
Давлатингнинг сири-асрорин  
Евга асло олдиртирмади.  
Пок сақлади номусу орин,  
Ўзи ўлди, ўлдиртирмади.  
Мен ҳам ўлдим... Бироқ мардона  
Ўлганим йўқ, хўрланиб ўлдим.  
Икки қулоқ донама-дона  
Кесилди — мен зўрланиб ўлдим.  
Кўз олдимда қулоқларимни  
Шоҳ егизди бир жаллодига.  
Чандиб қўлу оёқларимни,  
Терс миндирди у ўз отимга.  
Деди: «Жўна,

улуғ подшодан

Маликанга салом олиб бор.  
Мадад сўраб у Қуёшидан  
Бўлсин биз-ла урушга тайёр».  
Тўмарисим, одил маликам,  
Массагетлар кўрки, алвидо!  
Шудир менинг келтирган муждам...  
Сенга доим ёр бўлсин худо!  
Вазифамни бажардим.

Хуш қол!

Хўрликларим юкни бу чоқ  
Мен орқалаб худда бир ҳаммол,  
Эл-юртимдан кетаман йироқ...»—  
Шундай деди ўша қулоқсиз,  
Сўнгра таъзим бажо келтирди  
Сўнг отилиб чиқди-да, тубсиз  
Қоронғулик қаърига кирди...



Она кўнглин қон-қон йиғлатган  
 Эй қора кун, сенга минг лаънат!  
 Вужудни эзиб қақшатган  
 Бедаводир ҳижрон-жароҳат.  
 Шу малика — она юраги  
 Калхат узган кабутардай зор,  
 Аллақандай ваҳший кўкраги  
 Эзиб, янчиб, берарди озор.  
 Кўз олдидан ўтди бирма-бир:  
 Боласини у ваҳший нуқул  
 Ишга солиб ҳийлаю макр  
 Юлмоқ истар эди худди гул.  
 Эрон шоҳи, у соҳибқирон  
 Кўп элларни куч билан олиб,  
 Тўмарисга энди ногаҳон  
 Ошиқ бўлган эмиш у ғолиб...  
 Ҳаммасини эслар малика:  
 Айёр шоҳнинг макрларини.  
 «Йўқ» жавобин олиб, мулкига  
 Қуруқ қайтган сафирларини!<sup>1</sup>...  
 Қайхисравнинг кўзи қонсираб,  
 Лова бўлиб қаҳру ғазаби,  
 Тугатаман, деган ҳансираб,  
 Массagetлар наслу насабин.  
 Лашкарини тўдалаб ҳайдаб,  
 Дарёга сол ташлаган ўша.  
 Шиширилган мешларни бўйлаб,  
 Кўприк мисол ташлаган ўша.  
 Шу маҳалда Амударёдан  
 Сузиб ўтди икки чавандоз,  
 Тўмарисдан — у маҳлиқодан  
 Шоҳга шундай сўз этди оғоз:

<sup>1</sup> С а ф и р — элчи.

«Жаҳонгир шоҳ, қайтгил шахтнингдан,  
Жонни шунча қийнамоқ нечун?  
Айт, ниманг кам? Қўрққил тангридан!  
Наҳот, оз у қиргоқ сен учун?<sup>1</sup>  
Ҳеч қаерга сиғмас давлатинг,  
Еринг чексиз, оғзинг тўла ёғ,  
Наҳот, мендай бир бева хотин  
Ўз юртингда топилмас бу чоғ?  
Балиқ овлаб мол боққан ўлка—  
Тинчлигини бузма, улуғ шоҳ.  
Даламизга ўтиб қон тўкма,  
Биз томонга сузма, улуғ шоҳ!»  
Тингламади.

Шоҳ фармон берди,  
Ев дарёдан бостириб ўтди,  
Аскарлари эл-юртни қирди,  
Талон-тарож бошланиб кетди.  
Мана, қаттол уруш излари,  
Маккор уруш, қон қурбонлари.  
Тўмариснинг ёшли кўзлари—  
Кўрар: ўғли, паҳлавонлари  
Маликага эгиб бошини:  
«Кечир, она!» дегандай турар...  
Бу хитобдан малика — она  
Эсин йиғди ва ҳушёр тортди,  
Булоқисин<sup>1</sup> олиб мардона,  
Оташдонга шахт билан отди.  
Аёл шундай қилди.  
Вассалом,  
Энди дарҳол отланмоқ даркор.  
Ҳамма турди, энг олий мақом  
Амалдору сардору саркор.

---

<sup>1</sup> Булоқин — бурунга тақилладиган олтин безак.

• • •  
•  
Яшин уриб, қуртлар ковлаган  
Кўҳна чинор тагида бу он  
Гулхан порлар.

Роса гувлаган  
Қасос учун қалққан оломон.  
Зикр тушиб, гулхан ёнида  
Арвоқ чорлар кекса табиблар.  
Парвонадай ўт атрофида  
Массагетлар ўйнаб-кулишар.  
Бирдан жимлик чўкди майдонда,  
Қулоғи тим битган танадай.  
Подшо оёним кириб келганда  
Эди кўзлар азиз онада;  
Яқинлари уни ўраган,  
Оҳ, ўзи ҳам худди тўлин ой,  
У ногаҳон бунда кўринган—  
Чоғда бирдан ярқ этди чирой...  
Оқ пардаю олтин камарда,  
Ярқ-ярқ ёнар заррин жиғаси.  
Икки юлдуз чақнар кўзларда —  
Гўзалликнинг сўнмас жилваси.  
Нурли оташ — Қуёш худоси  
Алангани баланд кўтарди,  
Ярқирарди элининг онаси,  
Ҳа, оловдай порлаб турарди.  
«Киндик қоним тўкилган далам,  
Эй, муқаддас тупроғи-азим,  
Агар сенга хиёнат қилсам,  
Кўзларимни қарға чўқисин!»  
Шундай деркан гўзал маликам  
Ўнг сийнасин порлатиб очди,  
Гулхандан чўғ олди-да шу дам

Маммасига омонсиз босди,  
Ҳаёт билан ўлим жангида  
Бу қўрқинчли қасамёд эди.  
Улуғ кучни сезиб янгидан  
Халқ қудрати жунбушга келди.  
«О, маликам, о, Қуёш қизи!  
Йўлинг оқдир, ҳов, самога боқ:  
Тиштриа — толе юлдузи  
Оқ от бўлиб кўринди порлоқ!»  
Шундай дея, мўйсафид бурҳон<sup>1</sup>  
Алангага кириб йўқолди.  
Зикр тушиб тўда оломон  
Тонг йўлида умидвор қолди.

\* \*  
•

Ойдор тугни баланд кўтариб,  
Массагетлар йўлга чиқдилар.  
Туриаларнинг изидан бориб,  
Довон ўтиб, заҳмат чекдилар.  
Қирғоғида нор қамишлари  
Шовқин солиб, кўллар қолдилар.  
Оролларда иш, ташвишлари—  
Паналаниб эллар қолдилар.  
Ер майишли лашкар зўридан,  
Қушлар ҳуркди от дупуридан.  
Олди тоққа чиқарди тонгда,  
Орти пастда ётарди тунда.  
Ёвшан ҳиди бурқираб ётар,  
Қуёш юзин тўсади тўзон.

---

<sup>1</sup> Б у р ҳ о н — халқ башаротчиси, мунэжжим, шамаи маъно-  
сида.

Қонга чанқоқ қора қарғалар  
Қағиллашиб борар кетидан.  
Тулки ўтмас заранг ерлардан  
Лашкар тунда ўтиб боради.  
Қорсақ юрмас чангалзорлардан  
Отда мудраб, кетиб боради.  
Уч кун юриб Хулкар ботар он  
Ўғуздаги кечувга етиб.  
Саф-саф гулхан ёқиб ҳар томон  
Отларини ёйиб ўтлатиб,  
Бу кеч улар чиқарди ҳордиқ,  
Гурунглашиб, қилич қайрашиб,  
От сўйишди (Қуёшга тортиқ!),  
Эт ейишди тўйиб, яйрашиб.  
Ортада — дарё, олда — субҳидам,  
Кун чиқарга юз ўғирдилар,  
Она бошлиқ жамики одам  
Ибодатга қатор турдилар.  
Тонг юлдузи — Чўлпон ҳам сўнди  
Кўргач улуғ Қуёш юзини.  
Лашкарига рўбарў келди  
Ва бошлади Она сўзини:

\* \*  
\*

«Гулдир-гулдир кишнаган,  
Олтин сўлиқ тишлаган  
От йўлингга садақа,  
Кўрмак Қуёш, қўллағил,  
Илдам Қуёш, қўллағил!  
Қамиши соз кўл берган,  
Кенг яйловли чўл берган,

Гулдир — Момоси гулдираб,  
Осмонда пўстак қоққан,  
Кўркам Қуёш, қўллағил,  
Ўктам Қуёш — қўллағил.

Тош туёқли оқ серка  
Қўй бошласин қўтонда.  
Тулпор от кишнаб эрка,  
Қоқилмасин йўртганда.  
Ўктам Қуёш, қўллағил,  
Илдам Қуёш, қўллағил.

Учоқда ўт сўнмасин,  
Бало-қазо келмасин.  
Отимизга туёқ бер,  
Танимизга қувват бер.  
Меҳрли Қуёш, қўллағил,  
Қаҳрли Қуёш, қўллағил.  
Буюгини кўрсат тоғларнинг,  
Елкасини кўрсат ёвларнинг.  
Омад берсанг, бер улкан,  
Жон олсанг, ол қиличдан.  
Ўтдан, сувдан сақлагил,  
Юртимиз ардоқлагил.  
Ўктам Қуёш, қўллағил  
Кўркам Қуёш, қўллағил!»

## 5

Тонг оттирди Кунга сиғиниб  
Марди майдон Тўмарис олим,  
Ботирларнинг зўрин чақириб,  
Шундай деди унга мулойим:  
— Ўзинг билан уч йиғит олиб,  
Баҳодирим, йўлга ҳозирлан.

Золим шоҳнинг қошига бориб,  
Шу сўзларни етказил мендан:  
«Қонсираган Қайхисрав золим,  
Мақтанмагил қилган ишингдан.  
Қон тўкишга чанқоқ бўлса ким,  
Боши гаранг бўлар исиндан.  
Енганинг йўқ, ахир, ўғлимни  
Мардона жанг майдонида сен.  
Ташла энди найранг йўлингни,  
Эркаклигинг шуми?—Ел олсин!  
Узумнинг шу макрли суви  
Ақл-ҳушни ўғирлар тайин.  
Вайсайберар одамлар уни  
Қизиб-қизиб ичгани сайин.  
Шу макрли шаробингдан маст,  
Алданибди бечора болам,  
Яраландим (асло тузалмас!)  
Тирноқ ости захрингдан мен ҳам.  
Қондан бошқа ҳеч нарсани, айт,  
Ичмайсанми энди ҳеч қачон?  
Тўхтат, етар. Бу йўлингдан қайт.  
Етар энди шунча оққан қон!  
Лашкаримнинг тирик қолганин  
Яхшиликча қайтариб бергин.  
Маскан этиб юртинг гулшанин,  
Ўз ерингда даврингни сургин.  
Бу сўзимга солмасанг қулоқ,  
Эртагаёқ бўлиб пушаймон,  
Ғанимат вақт қўлдан кетган чор  
Ўқинасан, қиласан армон.  
Массагетлар улур тангриси—  
Қуёш ҳаққи, ичаман қасам:  
Онамасман, оч кўзларингни  
Ўз қонингга мен тўйгизмасам!»  
Елдай учиб кетди элчилар,

Кўкка чиқди ортидан тўзон.  
Қайхисравни топиб айтдилар.  
Қаҳ-қаҳ урди у соҳибқирон...

6

Массагетлар ўз подшосини  
«Қуёш қизи» деб атар эди.  
Тўмариснинг эса, онаси  
Оддийгина бир аёл эди.  
Оддийгина дейиш муаммо,  
У ҳам подшо бўлган мард, сергак,  
Эркакларга дарс берган, аммо  
Айта берсанг — худди бир эртак:  
Одамзоднинг гўзал тенг ярми,  
Сиз, оналар — ҳаёт онаси!  
Сизга ўтди эркаклар зулми,  
Қалбингизда улар яраси.  
Эртак эмас, тарихдан хабар:  
Сизлар қизлик чоғингиздаёқ  
Эркаклардан қозониб зафар,  
Тахт устида бергансиз сабоқ.  
Аста-секин улар гурури  
Жиловланган, бошлари эгик...  
(Баъзиларнинг эса, шуури—  
Унутмасдан, ҳамон сақлар кек...)  
Бу ҳам майли.

У қизлар ҳатто,  
Эркакларнинг наслидан безиб,  
Яшаганлар олис бир четда  
Ўзларига хос давлат тузиб...  
Ер юзини титратган ўшал  
Хотин-қизлар шоҳлиги, қойил!  
Улар аҳил бўлса ҳар маҳал,  
Яшар эди яна минг-минг йил!



Ўша давлат шаъну шавкатин  
Қанча шоир таърифлаб ёзган.  
Мен ҳам ўша қизлар савлатин  
Туширардим букуи қоғозга,  
Аmmo... ёрсиз, севгисиз турмуш—  
Айт-чи менга, турмуш бўларми?  
Ўтсиз ўчоқ ва қанотсиз қуш  
Чиндан ўчоқ ва қуш бўларми?  
Чўққиларнинг тик сийнасини  
Зўр тўлқинлар ювиб турмаса,  
Ё ёмғир, ё тоғ чашмасининг  
Суви ерга қуйиб турмаса;  
Қуёш тўсиб, гуллар кулмаса,  
Интилмаса булбуллар гулга,  
Дарахтларда мева унмаса,  
Бундай турмуш керакдир кимга?  
Кўл сулуви оққув қуши ҳам  
Жуфти билан юрганда кўркам...  
Бора-бора шуни англади  
Оролдаги ҳукмдор қиз ҳам.  
Одатлардан у ҳатлаб ошди,  
Қасамини бузди мардона  
Қўшни шоҳ-ла пинҳон ўйнашди  
Ва бўлди бир қизчага она.  
Одамлардан яширин, тоққа  
Бўғоз кийик изидан кетди.  
Туққан қизин у ўша ёққа —  
Унгиридаги горга беркитди...  
Дарё етти марта музлади,  
Етти марта гул очди дара.  
Кийик овлаб, шоҳлик қизлари  
Бир кун кўрди қизиқ манзара:  
Тўп кийикнинг нақ орасида  
Қора сочи кўзини тўсиб,  
Етти яшар бир норасида—

Қиз шамолдай борарди учиб.  
Бедовларда қизлар қувдилар  
Ва у қизни тутиб олдилар.  
Бундай овдан эҳ, қувондилар!  
Маликага олиб келдилар.  
Бир қалқиди она юраги,  
Қизларга сир бермади, бироқ!  
Тўлиб кетди унинг кўкраги,  
Суг келганди мисоли булоқ!  
«Сулувларим, ташаккур сизга.  
Қуёш — тангрим (хобимда туйдим)  
Бир қиз ваъда қилганди бизга...»  
Шундай дея қизини суйди.  
О, Тўмарис! Эсласанг керак:  
Ўргангунча уйга, ўтовга,  
Гоҳи-гоҳи бўлиб жонсарак,  
Қочар эдинг чўлга, яйловга.  
Оч бургутни сен тараг ёйдан  
Кўкда отиб қулатар эдинг.  
Сув симириб айқирган сойдан,  
Юлдуз санаб жим ётар эдинг.  
Дашт тоблаган довиюраклигинг,  
Чимирилган қош-қовоқларинг,  
Қийик каби қув, сергаклигинг,  
Қийиксифат тик оёқларинг,  
Билсам, бизнинг қизларга булар  
Сендан қолган бир мерос экан,  
Оҳу каби сақлайди улар,  
Қувлиги ҳам шунга мос экан...

Одатича, Тўмарис бир кун  
Эрталабдан далага қочди,  
Ўйлаб топди ҳар турли ўйини,  
Қийик билан роса қувлашди.  
Кеч кирганда чиқиб теракка,

Бир айрида уйқуга кетди.  
Тонгга яқин шохда бир ҳакка  
Шақ-шақ қилиб уни уйғотди.  
Назар солса кийик пайида  
Бир оч йўлбарс ерда ётарди.  
Қиз сакради турган жойидан,  
Ҳанжар санчиб қоринни ёрди.  
Яраланган ёввойи ҳайвон  
Жон ҳолатда қизга ташланди,  
Ўкирикка тўлди биёбон,  
Ҳаёт-мамот жанги бошланди.  
Кимдир ёйдан юборган найза  
Оч йўлбарсни қулатди дарҳол,  
Жон берди у инграб бир лаҳза...  
Қиз ҳангу манг қараб қолди лол.  
Турар эди бир йигит кулиб...  
(Подшо қизи билмасди ҳануз  
«Эркак» нима?— шу ёшга келиб,  
Унга таниш эмасди бу сўз...)  
Аввал ҳуркди, кейин ўрганди,  
Аста-секин юввош тортди у.  
Юрагида унинг уйғонди  
Қуёш каби иссиқ бир туйғу.  
Буқачанинг шохчаларидай  
Қўкрагида олов лов этди.  
Уйин билан бўлиб пайдар-пай  
Шу зайлда кўп кунлар ўтди.  
Тўбилги сой бўйида бир кун  
Ғигит қизга шундай сўз деди:  
«Жоним, бундай юриш сен учун,  
Ғапнинг рости, хавфлидир энди.  
Қизил тулки думини асло  
Қўлтигига яшириб бўлмас.  
Агар бўлса бу сирдан огоҳ,  
Подшо онанг сени соғ қўймас.

Бунинг битта чораси шулки,  
Мардлик, кучим кўрсатажакман.  
Вайрон этиб қизларнинг мулкин,  
Танҳолигинг қийратажакман»,  
Шундай дея, қирқ кун жанг қилди,  
Енгди қизлар подшосини.  
Хотинликка қизини олди.  
Ва ўлдирди қиз онасини.  
Тўмариснинг севимли ёри  
Золим бўлиб чиқди шу хилда.  
Етти йил қон ютди диёри,  
Зулмни ҳаддан оширди элда.  
Юрт, ғазаби қайнаб, куч йиғди,  
Золим шоҳни ниҳоят, йиқди,  
Қуёш қизи — гўзал Тўмарис  
Олтин тахтга товланиб чиқди.  
Массагетлар мушугига ёв—  
Шундан бери «пишт!» дея олмас.  
Шундан бери омондир яйлов,  
Шундан бери қон ҳам тўкилмас.  
Тотув яшар қўни-қўшилар:  
Хоразмийлар, сурғийлар, соқлар.  
Бориш-келиш қилар,  
қўшилар—

Молига мол,

богига боғлар.

Кўл бўйида ўйноқлар тойлар,  
Эл кучайди, ёв эса, қочди.  
Қўй устида сайроқ тўрғайлар  
(Эл сўзи шул) уялар очди.  
Шундай омон, фаровон эди  
Бу эркин юрт, поёнсиз саҳро.  
Уни вайрон этмоқчи энди  
Қаттол уруш билан ёвуз шоҳ...  
Улуғ дарё ўнг соҳилида,

Массагетлар обод элида  
Икки ярим минг йилча бурун  
Бўлган эди шу қонли қирғин...

7

Едидадир тарихнинг ул кун:  
Саҳрода чанг-тўзон кўтариб,  
Икки улкан қудратли тўлқин  
Қарши келар эди ўкириб.  
Ер қаъридан шунда ногаҳон  
Янграгандай ёвуз бир нидо,  
Қулоқлар тим битди-да, шу он  
Еру кўкни титратди садо.  
Уруш, уруш! Ажал тўйи бу.  
Бу — қутурган икки аждаҳо,  
Кўтарганча тўзону гулув,  
Бир-бирини чайнайди дарҳол.  
Тиф-найзалар зириллаб учар,  
Ойболталар ярқ-ярқ ёнади  
Бировлар от ёлини қучар,  
Бошқалар қон қусиб боради.  
Ажал жангдан улушин олар,  
Ҳийла кучга чап бериб ўтар,  
Илон бошли жангар туялар  
Одамлардай олишиб кетар.  
Куз тонгини қоплади тўзон,  
Қилич, қалқон чақмоқ чақади.  
Қанча отлар қулаб, берар жон,  
Дарё-дарё қонлар оқади.  
Эгар қоши ботар кўкракка,  
Қасос ўти тўлар юракка,  
Кўзи қонга тўлган йигитлар  
Евга найза санчади тикка.  
Пиёдалар ёйни тортади,

Нақ мўлжалга найза отади  
Олмос қилич совутни йиртиб,  
Ев қалбига чуқур ботади.  
Мурдалардан чўчиб бедовлар  
Четлаб ўтиб, қаттиқ кишнайдн,  
Ур-йиқитда шошилган ёвлар  
Бир-бирини роса муштлайди...

Тепаликда турар мағрур шоҳ,  
Ураб олган сара лашкари.  
Буйруқ кутар, ҳар ишдан огоҳ  
Айёр Крез<sup>1</sup> неча навкари.  
Ишончи зўр, лашкари лак-лак,  
Зафар чўтмас соҳибқиронга!  
Бир ишора қилса — бу демак,  
Минг-минг қўшин тушди майдонга:  
У ёллаган сара аскарлар,  
Ассурийлар ва вавилонлар,  
Навкарларни қутиртирарди  
Ваъда қилган олтин ҳамёнлар...  
Бироқ қизиқ уруш бўлди бу,  
Шоҳ лашкарин учдан бириёқ,  
Бирин-кетин қулаб байроқ-туғ,  
Жанг бошида қочди тумтароқ.  
Уч кун ўтмай уч мартаба шоҳ—  
Қўшинлари зарба едилар,  
Енгилишдан этишиб огоҳ,  
Чопарлар куч сўраб келдилар.  
Шоҳ лабида заҳархандаси  
Қаҳру ғазаб билан алмашди.  
Фармон берди дербек тўдаси

---

<sup>1</sup> Крез — Қайхисравнинг энг яқин ва энг маккор вазири,  
Ливия қироли.

Филлари-ла майдоиға туши.  
Ялпанганиб филлар югурди  
Бало-қазо каби ёрилиб,  
Дуч келгани йиқитди, сурди,  
Қулоқлари қўпол осилиб.  
Қордай қалин ёққан найзалар  
Филга бўлмай чивин чаққанча,  
Фил кўрмаган мардлар бу сафар  
Жангда шошиб қолдилар анча...  
Карнайларни баланд янгротиб  
Эронликлар доаруғ солдилар.  
Массагетлар чекинаётиб,  
Ёвни изларига солдилар...  
Уч кунлик йўл босилди, улар  
Шунда тортиб от жоловини,  
Девор бўлиб кутиб олдилар  
Массагетлар қаттол ёвини...

8

Бир замонлар Уғиз-чўнг дарё  
Тўлиб оққан эски издан.  
Бир мақбара туради танҳо,  
Ботаётган қуёш издан—  
Нур инади.

Илонкўз бўлоқ  
Сизиб чиқар тоғ дарасидан,  
Кўз ёшидай силқир ярқироқ  
Нозик ирмоқ тол орасидан.  
Сой бўйида осилган чивиқ —  
Тарам-тарам қизғиш новдалар.  
Қирғовулар учар, қийқириқ—  
Акс-садоси янгираб қолар.  
От кўтармай сувдан бошини,  
Сув ичади сўлиғи билан.

Қучоқлаб бир қабр тошини,  
Кимдир ётар.

Ким бўлди экан?

Бу — Тўмарис, гўзал малика,  
«Онажон!» деб талпиниб ётган.  
Бунда азиз унинг қалбига—  
Ҳар бир нарса.

Шу ерда топган—

Ўз бахтини: дунёга келиб,  
Кийик эмиб, яйраб улғайган.  
Кийиклар-ла шамолдай елиб,  
Севгини ҳам шу ерда туйган...  
Бунда подшо онаси ухлар,  
Ёвуз куёв кесган бошини...  
Энди уни қизчаси йўқлар,  
Тош қучоқлаб, тўкиб ёшини...  
Тош аёллар — ҳайкаллар гўё  
Ундан кулиб дашном беради:  
«Белингадаги чўқмор нечун, ё  
Яна жангга борми кераги?»  
Ҳов, пастликда, тўзон тагида  
Мудҳиш қирғин давом этади.  
Гоҳ тинади, аммо янгидан  
Қонли тўлқин қалқиб кетади...  
Силаб-силаб қабр тошини,  
Ойтўмарис ўрнидан турди.  
Йигиб жами саркардасини  
Тонгга қадар у кенгаш қурди...

Саҳарпалла Чўлпон кўринди,  
Янги кундан келтирди хабар.  
Оқ булоқда бари ювинди,  
Тиниқ сувдан тўйиб ичдилар.  
Тўмарис оқ совут кийди-да,  
Лашкарини турғизди сафга.



Эпчил сакраб даштий кийикдай  
Миниб олди у Оқ бўз — отга.  
Оқ довулнинг ортидан шунда  
Қора лава кўтарди сурон,  
Янгради бир хитоб қўшинда:  
«О, мадаккор она, Оқ Чўлпон!»  
Икки душман нақ тоғ бошида,  
Тўқнаш келган икки булутдай.  
Бунни кўрган одам тушида  
Ҳатто эслаб қўяр унутмай.  
Қўллар — қўлга, отлар — отларга:  
«Мен оламан!» деб босиб борар.  
Ҳуштак чалар ўқлар ўқларга,  
Еб қўйгудай кўзлар бақраяр.  
Бир-бирини танимас инсон,  
Қум-тупроққа қон қоришади.  
Ҳаёт-мамот бир-бирин бу он  
От устидан ағдарншади...

Шундаймиди тавба, одамлар!  
Улар илк бор пайдо бўлган он  
Ўт, сув, меҳр, ҳасад, аламлар  
Юрагида урганди тугён.  
Одамларни одам тугади,  
Дунёга ҳам келтирар улар.  
Абил қочса, Қобил қувади,  
Бир-бирини ўлдирар улар.  
Сиртмоқ эшар одамга одам,  
Азоб берар одамга одам,  
Қирмоқ учун одамни одам,  
Қурол ясар одамга одам...  
Уруш бўлса — туриш бўлмайди,  
Ва қурбонсиз уруш бўлмайди,  
Бу — урушнинг қонуни азал,  
Уруш элга ёвдир ҳар маҳал..

Жаҳонгирлар — босқинчилар, сиз  
 Қадимлардан чигирткасимон  
 Алмисоқдан уруғ очасиз,  
 Уруш кайфи билан, ичиб қон.  
 Бу минг қуроқ Ер куррасини  
 Бўлишмаган кунингиз бўлмас.  
 «Элни элга сол, даласини—  
 Бос!»— шу сизга шиор бўлса бас.  
 Турли йўлдан, турли замонда  
 Борасизлар, аммо, оқибат  
 Кутажакдир сизни жаҳонда  
 Фақат бир хил аянчли қисмат...  
 Хўш, не бўлди, ҳаддидан ошиб,  
 Тинч воҳага босиб кирган ёв?  
 Ҳов, мурдалар ётибди сасиб,  
 Уруш ана шундай беаёв.  
 Таниб кўр-чи, кимлар ётибди,  
 Янтоқзорда қонга бўялиб?  
 Ҳов, саркарда, нима топибди  
 Донғу дунё пайида келиб?  
 У деҳқонми, ёки кулолми,  
 Бу урушга зўрлаб ҳайдалган?  
 Ҳов, анови ёлғиз ниҳолми,  
 Юртида зор севгани қолган?  
 Эронлими, анови ерда  
 Қарга чўқиб кетган кўзини?  
 Массagetми, жонажон элга  
 Жангда қалқон этган ўзини?  
 Қим билса ҳам у, бу майдонга  
 Ўлдиришга келган, отишга!  
 У келмаган бўялиб қонга  
 Енғоқзорда бундай ётишга...  
 Қатор-қатор ётади инсон,—

Қамбағалми, бойми — бефойда!  
Хўш, қаёқда у соҳибқирон,  
Кекирдагин чўзган шоҳ қайда?..  
Массагетлар қидриб топди  
Қайхисравнинг қонли мурдасин.  
Соқолидан тортди-да чопди—  
Жудо қилди бошдан танасин.  
Қўкрагига қадалган пичоқ,  
Бу қайси бир ботирнинг иши?  
Шунда ётар очганча қучоқ  
Бир массагет — қулоқсиз киши...

Қия узра Тўмарис турар,  
Суялганча оқ найзасига.  
Сочида қон ва тер ялтирар,  
Қарар қонли кенг даласига.  
Қурум босган мунгли дийдорин  
Чизиб ўтган қанчалар ажин,  
Таниганлар дейди: «Офарин!»  
Билмаганлар савол берар: «Қим?»  
Пастда эса, мағрур ўжириб,  
Ювиб қумлоқ қирғоқларини,  
Гоҳ ҳаллослаб, гоҳи бўжириб  
Ечиб дейди жумбоқларини:  
«Ҳой, мени тинч қўйинглар, етар,  
Сизлар билан ишим йўқ асло.  
Бир-бирингиз қирасиз баттар..  
Наҳот, сизга тордир бу дунё?  
Фақат икки нарса ўлмайди,  
Икки нарса яшар умрбод;  
Бу — мен ва вақт — завол билмайди,  
Шу иккимиз мангу барҳаёт».  
Бироқ, қулоқ солмайди одам,  
Салқин сувдан ичади қониб,  
Тик қояга чиқади шу дам,

Ҳайқиради у ғазабланиб:

«Эй келгинди,

эй жаҳонгир шоҳ,

Бизга шунча ёвузлик қилдинг.

Сен ўзингдан бошқаларни ё,

Эси пастроқ, тубанроқ билдинг!

Темир ўтда қизийди, аммо

Уни темир қисиб олади.

Биров чуқур қазийди, аммо

Унга ўзи тушиб қолади.

Одам кўзи шунча оч экан,

Шунча тўймас экану, бироқ

Бир кун уни тўлдирар экан

Фақатгина бир ҳовуч тупроқ.

Ўз ваъдамни мен олиб эсга,

Қонхўр, қонга тўйгизай сени!»

Шундай дея Тўмарис мешга—

Қонли мешга тиқди каллани...

Массагетлар— саҳро шерлари

Товон тираб ўз даласида

Турар эди она ерлари—

Улуғ дарё нақ ёқасида.

Йўқ, у дарё ёқаси эмас,

Халқнинг кўҳна тарихи эди.

Юртнинг яйдоқ даласи эмас,

Илк юз очган тақдири эди.

Кунчиқарнинг уфқи лола ранг,

У томонда бир иур порлайди.

Худди қулон бағридай таранг

Умид тонги кулиб чорлайди.

1969—1970 йиллар.

## МУНДАРИЖА

Кўнгил кўнгилдан сув ичар. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	9
Қорақалпоқ. Абдулла Орипов таржимаси . . . . .	11
Толзор соҳил хотиралари. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	13
Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан. Абдулла Орипов таржимаси. . . . .	17
Ўзбекистон. Абдулла Орипов таржимаси. . . . .	19
Навоийга. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	24
Ватан. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	25
Чўғирма. Шуҳрат ва Маъруф Жалил таржимаси. . . . .	28
Чексиз муҳаббат. Р. Содиқова таржимаси . . . . .	31
Она. Р. Содиқова таржимаси . . . . .	33
Нораста. Р. Содиқова таржимаси . . . . .	35
Орденли халқимга. Шуҳрат ва Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	37
Қадрдон сўқмоқлар. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	41
Чолга салом берсам ўша сўқмоқда . . . . .	42
Хоразмга. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	43
Машиналар йўлга чиқади. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	44
Содиқ шоирга. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	49
Чинорнинг шохи синса. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	51
Ярашар. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	54
Оссуарлар. Зулфия таржимаси . . . . .	55
Сув париси. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	57
Қиз кўнгли — қизил гул. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	60
Гўзал Юпшара. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	61
Насиҳат. Зулфия таржимаси . . . . .	63

Асаблар. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . .	65
Қирғизларга. Жуманиёз Жабборов таржимаси	67
Бу оқшом юлдузлар чўнг, йирик эди... Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	69
Биринчи муаллим. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	71
Шоирларнинг қандоқ суймоқлигини. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	73
Сўфитўрғайнинг ўлими. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	74
Бола эмизаётган аёлга. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	76
Кеч маҳалда майса қирдан... Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	78
Бизнинг овул қизи. Зулфия таржимаси . . . . .	80
Саарема. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	83
Шуҳрат араваси. Гулчеҳра Жўраева таржимаси	85
Дўстларим бор, йўқмас душманим. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	87
Саллона-саллона борар бир жонон. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	88
Қорақалпоғистон кутади сени. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	91
Қизинг гўзал бўлсин, шоира бўлсин. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	95
Халқ сўзлари. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	97
Эпиграммалар. Муҳаммад Али таржимаси . . . . .	100
Йигитнинг дўсти бўлсин. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	101
Қозоқдарё. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	103
Булбул тўйинга. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	105
Мен Абайни ёддан билган халқман. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	108
Сулув экан Олмаота қизлари. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	110
Тўқайга. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	113
Хуш келдинг туркманим, сафо келибсан. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	115
Махтумқули йўлида. Маъруф Жалил таржимаси . . . . .	117
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг. Ҳалима Худойбердиева таржимаси . . . . .	119
Саксовул. Ҳалима Худойбердиева таржимаси . . . . .	121
Мухаммас. Ҳалима Худойбердиева таржимаси . . . . .	122

Шўрча:	
1-сонет. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . .	124
2-сонет. Абдулла Орипов таржимаси . . .	124
3-сонет. Абдулла Орипов таржимаси . . .	125
4-Ажал сиртмоғидан қутулиб бўлмас Маъруф	
Жалил таржимаси . . . . .	126
Шоир гувоҳи. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . .	127
Она тилимга. Рауф Парфи таржимаси . . . . .	132
«Насибанг оқ бўлсин». Рауф Парфи таржимаси . . .	134
Амударёнинг қизлари. Азиз Абдураззоқ тар- жимаси . . . . .	135
Тинмай ёмғир ёғар Пяриу йўлида. Азиз Абдураз- зоқ таржимаси . . . . .	137
Шухратпараст бўлишдан уял. Азиз Абдураззоқ таржимаси . . . . .	139
«Миллион аср бу кенг оламда». Азиз Абдураз- зоқ таржимаси . . . . .	141
Рубонйлар. Азиз Абдураззоқ таржимаси . . . . .	143
Ўқинч. Ҳусниддин Шарипов таржимаси . . . . .	148
Ливадия ҳақида тўртликлар. Ҳусниддин Шари- пов таржимаси . . . . .	149
Сулувлар ва шоирлар. Жуманиёз Жабборов тар- жимаси . . . . .	150
Тўмарис (Достон). Ҳамид Фулом таржимаси . . . . .	155

*На узбекском языке*

**Ибрагим Юсупов**

**Стенной жаворонок**

Перевод с издания „Из одного роликта“  
изд-во „Каракалпакстан“, 1971, г. Нукус.

Редактор **М. Жалилов**

Рассом **Н. Цыганов**

Расмлар редактори **Н. Холиқов**

Техн. редактор **Н. Жўраева**

Корректор **Ш. Собирова**

Восмаҳонага берилди 14/VI-1972 й. Босишга рухс  
этилди 3/VIII-1972 й. Формати 70×90<sup>1/16</sup>. Босма  
5,5. Шартли босма л. 6,43. Нашр. л. 5,56. Тираж  
8000. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат на  
рийти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 282—68 г.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Да  
лат комитетининг Тошкент полиграфкомбинати  
тайёрланган матрицадан № 1 қозоғга босилди. Тош  
кент, Ҳамза кўчаси, 21. 1972 йил. Заказ № 169.  
Баҳоси 5-чи муқовада 80 т. 7-чи муқовада 83 т.